

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТУПРОҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**



**ТУПРОҚ ГЕОГРАФИЯСИ ВА СИСТЕМАТИКАСИ  
фанидан тайёрланган  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

<b>Билим соҳаси:</b>	<b>100000-Гуманитар фанлар</b>
<b>Таълим соҳаси:</b>	<b>140000 – Табиий фанлар</b>
<b>Таълим йўналиши:</b>	<b>5141000 - Тупроқшунослик</b>

**Гулистон – 2020**

**Холбоев Б.Э. Тупроқ географияси ва систематикаси фанидан замонавий педагогик технологиялар асосида тайёрланган ўқув-услубий мажмуа . - Гулистан, 2020 й. - 74 б.**

Ушбу ўқув-услубий мажмуа 5141000- Тупроқшунослик бакалавриат таълим йўналишида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Ўқув-методик мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 18.08.2018 йил тасдиқланган тупроқ кимёси фани намунавий дастури (№ БД – 5141000- 3.09) талаблари асосида тайёрланиб, унда замонавий педагогика тизимиға суюнган ҳолда , тупроқ географиясини ўрганишда тупроқнинг келиб чиқиши , тупроқлар классификацияси, диагностикаси, генезиси, тупроқларнинг тарқалиш зоналлиги, тупроқ типлари, дунё тупроқлари каби масалалар ҳолати баён қилинган..

Тақризчилар:           Биол.фан.номзоди, в.б   проф. Номозов Х.К.  
(ТошДАУ)

К/х.фан.номзоди , доцент Тошбеков Ў (ГулДУ)

Ўқув-услубий мажмуа Гулистан давлат университети Илмий кенгаши томонидан (.... баённома ....2020 йил) кўриб чиқилган ва ўқув жараёнида қўллашга тавсия этилган

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	4
Тупроқ географияси ва систематикаси фани силлабуси.....	5
Назарий материаллар (маъruzалар курси ).....	6
Амалий ишларини бажариш буйича услубий кўрсатмалар.....	51
Мустақил таълим буйича материаллар.....	71
Глоссарий.....	72
Тест саволлари.....	74
Фанни укитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.....	80
Информацион-услубий таъминот.....	86
<b>Иловалар:</b>	
Фан дастури.....	
Ишчи фан дастури.....	
Инглиз ва рус тилидаги хорижий ўқув материаллари (электрон шаклда) ..	
Тақдимотлар ва мултимедия воситалари (электрон шаклда).....	
Қўшимча дидактик материаллар.....	

## **КИРИШ**

Амалдаги 5141000- Тупроқшунослик бакалавриат таълим йўналиши давлат таълим стандарти (2018) ҳамда «Тупроқ географияси ва систематикаси» фаннинг ўқув дастурига (2018) мувофиқ талабалар “Тупроқ географияси ва систематикаси” курси бўйича тупроқларни географик тарқалиши омиллари, қонуниятлари ва илмий асослари, Ўзбекистон республикаси тупроқ қоплами, дунё тупроқ қоплами, ер ресурслари ва тупроқлар муҳофазаси тўғрисида, тупроқлар географик тарқалишининг умумий қонуниятлари, горизонтал ва вертикал зоналлик қонуниятлар, дунё қитъаларининг тупроқ қоплами, Ўзбекистон ер ресурслари, тупроқ ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш тўғрисида тегишли билимга эга бўлишлари талаб қилинади.

Тупроқ географияси фани “Тупроқ географияси ва систематикаси” курсининг мақсади талабаларга ҳориж тажрибаси асосида тупроқларни географик тарқалиши қонуниятлари ва илмий асослари; Ўзбекистон ва дунё тупроқ қоплами тавсифи, турли тупроқ-биоиқлим минтақаларининг тупроқлари, Ўзбекистон ва дунё ер ресурслари, улардан унумли фойдаланиш, тупроқларни муҳофаза қилиш бўйича таълим беришdir

Тупроқларни географик тарқалиш қонуниятлари, кенг тарқалган тупроқларнинг генетик хусусиятлари, тупроқ қоплами тузилишининг худудий хусусиятлари, тупроқлардан хўжалик фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, тупроқларни географик тарқалишидаги омиллар, Ўзбекистон тупроқларининг географияси, дунё тупроқ қоплами, ер ресурслари ва тупроқларни муҳофаза қилиш кабилар билан замонавий педагогик технологиялар асосида таништириб чиқишидан иборатdir. “Тупроқ географияси” фанидан дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, кейс муаммоли машғулотлар ўтказилиши, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиниши, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан самарали фойдаланиш, талабаларни мустақил фикрлашга ундейдиган, ўйлантирадиган муаммо саволларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка йўналтириш, эркин мулоқотга киришишга, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар фан мавзуларини чуқур эгаллашни таъминлайди.

Ўқув-услубий мажмуа қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тупроқ географияси фани силлабуси.
2. Назарий материаллар (маъruzалар курси)
3. Амалий ишларини бажариш буйича услугбий кўрсатмалар.

4. Талаба мустақил ишлари буйича материаллар (мустақил иш топшириқлари)
  5. Назорат саволлари ва тестлар.
  6. Глоссарий.
  7. Информацион-услубий таъминот.
- Иловала
1. Намунавий ва ишчи ўқув дастурлар.
  2. Инглиз ва рус тилидаги хорижий ўқув материаллари (электрон шаклда).
  3. Тақдимотлар ва мултимедия воситалари (электрон шаклда)
  4. Кўшимча дидактик материаллар

Мазкур ўқув-услубий мажмуа “Тупроқ географияси ва систематикаси” курсидан Вазирликнинг 2017 йил 1 март 107-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим ўқув режалари фанларининг янги ўқув мажмуалариини тайёрлаш бўйича услугбий кўрсатма” асосида яратилган дастлабки ўқув-услубий мажмуалардан бири бўлганлиги сабабли, унда баъзи жузъий камчиликлар, мунозарали қарашлар ва атамалар учраши мумкин. Шунга кўра мажмуа хақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳамкасларига муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради

Ўқув-услубий мажмуа замонавий педагогика талабларига мос равишда ишланиб, унда ўқув мақсадлари, назорат саволлари ва мустақил иш топшириқлари келтирилган.

Манзилимиз: 120100. Гулистон шахри, IV мавзе,  
Университет,  
«Тупроқшунослик» кафедраси

# 1. «ТУПРОҚ ГЕОГРАФИЯСИ ВА СИСТЕМАТИКАСИ» ФАНИНИНГ СИЛЛАБУСИ

(2020/2021 ўқув йили)

<b>Кафедра номи:</b>	<b>Тупроқшунослик</b>	
<b>Ўқитувчи ҳақида маълумот:</b>	Холбоев Б.Э	xolboev.76@mail.ru
<b>Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги</b>	<b>Семестр ва жами соат</b>	
<b>Ўқув соатлари хажми:</b>	<b>жами:</b>	180
	шунингдек:	
	маъруза	38
	семинар	10
	Амалий (лаборатория)	
	мустақил таълим	72
<b>Йўналиш номи ва шифри</b>	<b>Тупроқшунослик</b>	<b>5141000</b>
<b>Курснинг предмети ва мазмуни:</b> Тупроқ географияси ва систематикаси фанини ўзлаштиришлари жараёнида талабалар - тупроқларни географик тарқалиши омиллари, қонуниятлари ва илмий асослари; Ўзбекистон республикаси тупроқ қоплами; дунё тупроқ қоплами; ер ресурслари ва тупроқлар муҳофазаси тўғрисида тассавурга эга бўлиши, тупроқлар географик тарқалишининг умумий қонуниятлари; горизонтал ва вертикал зоналлик қонуниятлар; дунё қитъаларининг тупроқ қоплами; Ўзбекистон ер ресурслари; тупроқ ва ер ресурсларини муҳофaza қилиш тўғрисида етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлишлари талаб этилади.		
<b>Курсни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари:</b>		
1.1. Тупроқ географияси ва систематикаси тупроқшунослик фанинг таркибий қисми ҳисобланиб, ушбу <b>курсининг мақсади</b> талабаларга ҳориж тажрибаси асосида тупроқларни географик тарқалиши қонуниятлари ва илмий асослари, Ўзбекистон ва дунё тупроқ қоплами тавсифи, турли тупроқ-биоиқлим минтақаларининг тупроқлари, Ўзбекистон ва дунё ер ресурслари, улардан унумли фойдаланиш, тупроқларни муҳофaza қилиш бўйича таълим беришdir		
1.2. Тупроқшунослик <b>курсининг вазифалари</b> га талабаларни тупроқларни географик тарқалиш қонуниятлари; кенг тарқалган тупроқларнинг генетик хусусиятлари; тупроқ қоплами тузилишининг		

худудий хусусиятлари; тупроқлардан хўжалик фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари; тупроқларни географик тарқалишидаги омиллар; Ўзбекистон тупроқларининг географияси; дунё тупроқ қоплами; ер ресурслари ва тупроқларни муҳофаза қилиш кабилар билан замонавий педагогик технологиялар асосида таништирилади.

## 2. МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

### 1-МАВЗУ. КИРИШ.ТУПРОҚ ГЕОГРАФИЯСИ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ, ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.

Режа:

1. Тупроқ географияси фан сифатида шаклланниш ва вазифалари.
2. Ўзбекистон турли минтақаларини тупроқларини ўрганишни долзарблигини аҳамияти.
3. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштиришда тупроқлардан оқилона фойдаланиш асослари хақида.

Адабиётлар: 1,2,4,5,7,12,13,14,16.

1. Тупроқ географияси фанининг вазифалари - тупроқларни пайдо қилувчи табиий шароитлар, тузилиши, таркиби, тупроқ типлари, типчалари, уларнинг биологик, кимёвий ва физик хоссалари ҳамда тупроқларни географик тарқалиш қонуниятлари ва улардан қишлоқ хўжалигига самарали фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини ошириш юзасидан олиб бориладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тупроқ географияси фани, фан сифатида XIX асрнинг охирида В.В.Докучаев, Н.М.Сибирцев ва Е.Е.Неуструевларнинг гоялари ва илмий асарлари асосида шакллана бошланди. Е.Е.Неуструевни 1910-1921 йиллари Туркистон ўлкасини Наманган, Андижон, Устюрт бўйи, Шеробод ва Қорақалпогистон автоном худудининг тупроқ ва ботаник географик тадқиқотларини ўрганишдаги ишлари катта аҳамиятга эга.

Кейинчалик Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонни тупроқларини И.П.Герасимов В.А.Ковда, Н.А.Розанов, Е.В.Лобова, М.А.Орлов, Е.Н. Рыков, М.А.Панков, М.У.Умаров, М.Б.Баходиров, А.М.Расулов ва бошқаларни тупроқлар географияси, физикаси ва мелиорацияси борасидаги ишлари билан бир қаторда, айниқса пахтачилик районларининг тупроқларини хосса-хусусиятларини ўрганишдаги хизматлари жуда катта бўлди.

2. Ҳозирги мустақил Ўзбекистоннинг табиий шароитлари, уларнинг хилма-хил тупроқларини хосса-хусусиятларини ўрганиш улардан самарали фойдаланиш шу куннинг зинг долзарб масаласидир.

Бу борада ҳозиргивақтда суғориладиган ерларниг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, тиклаш борасида анча ишлар амалга оширилмоқда. Тупроқ типларини, типчаларини хосса-

хусусиятларига кўра турли агротехник усулларидан тўғри ва самарали фойдаланиш ишига эътибор кучайтирилмоқда.

Хозирги вақтда **Ўзбекистон** Республикаси Вазирлар Махкамаси нинг вилоят, туман хўжаликлар тупроқларини ўрганиш, унинг хосса-хусусиятлари, унумдорлигини асосида балл бонитетларини **аниқлаш** тўғрисида қарори қабул қилинди. Турли **мintaқa** тупроқларини ўрганиш ва тупроқ ҳариталарини тузиш учун «Уздаверлойиха», ер кадастри филиали экспедициялар ташкил этиб, **Ўзбекистон** тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот илмгоҳлари, республикадаги Олий уқув юртларининг тупроқшунослик кафедра ходимлари бу мураккаб ишларини бажаришни ташкил этиб, тупроқларнинг унумдорлиги ва бошқа хусусиятлари чуқур ўрганилмоқда.

Дархақиқат, тупроқнинг асосий хоссалари ва сифатини билмай туриб, унинг унумдорлигини мутассил ошириш, ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш, улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш учун унинг ҳозирги ҳолатини билишни тақозо этади. Бу қўрсаткичлар билан бир қаторда ҳар хил тупроқларга минерал, органик ўғитлар қўллаш шарт-шароитлари ҳамда сув, сугориш ва мелиорация ишларини олиб бориш ҳам бу тупроқ типи, типчалари, хосса хусусиятларини билиш ва самарали фойдаланиш тадбирлари олиб борилиши керак бўлган ишлар бўйича тавсиялар баён қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг I-чақириқ XI-XII-XIII сессияларида қишлоқ хўжалигини тубдан ривожлантириш борасида бир қанча қонунлар қабул қилинди. Уларда тупроқ унумдорлигини мутассил ошириш, муҳофаза қилиш ва ер кадастрини ишлаб чиқиш, ер ресурсларига бериладиган баҳоларни хисоблашни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилашда муҳим давлат сиёсатини амалга оширишни тақозо этади.

3. Инсонларнинг тупроқда актив таъсир қўрсатиши натижасида унинг хосса-хусусиятларини ўзгариши, унумдорлигини ошиши ёки пасайиши, шўрланиши, эрозияланиши, дегумификация ва экологик ҳолатларни суғориладиган, суғорилмайдиган лалми тупроқларда кечиши, дехқончиликда тупроқлардан фойдаланишнинг аҳамиятини қўрсатади.

Ер азалдан ҳалкнинг энг асосий ва бебаҳо бойлиги, чинакам умумхалқ мулки ҳисобланади. У мамлакатимиз миллий бойлигининг энг муҳим қисми, ишлаб чиқаришни юритишнинг асосий негизидир. айниқса ер қишлоқ, хўжалик ишлаб чиқаришда муҳим восита ролини бажаради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ табиий бойликлар, жумладан, ер умумхалқ бойлигидир ва улар давлат- муҳофазасида туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Реепубликамиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, қишлоқ хўжалигининг бундан кейинги тарақиётини амалга оширишда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада қондиришда тупроқлардан, унумли ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ердан илм-фан тавсиялари асосида самарали фойдаланиш, унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш, шак-шубҳасиз қишлоқ хўжалигининг ривожланишининг асосий омилларидан биридир. Тупроқни ҳар томонлама яхшилаш, ҳосилдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги келгусида ривожининг муҳим масалаларидан биридир.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан унинг энг муҳим хусусиятларини қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга боғлиқ. Бу энг аввало, тупроққа тегишли бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш, тупроқнинг унумдорлиги ошириш, сифатини, бонитировкасини, иқтисодий баҳосини, муҳофазасини билиш, ҳар хил ўсимликларни тупроқ ҳолатига кўра илмий асосланган; кетма-кетликда экиш, тупроқда экологик "тоза" ишлов бериш усусларидан ўғитлаш, тупроқнинг физик хоссалари асосида қулай агротехник муддатларидан муайян технологик кетма-кетликда фойдаланиш, тупроқ эрозиясига, шўрланишига, зичланишига ва бошқаларга қарши тадбирларнинг муайян элементлари аниқ қонунчилик йўли билан бошқаришни талаб қиласди. Вужудга келган вазиятда **Ўзбекистон** Республикасининг "Ер кодекси", "Ер кадастри" тўғрисидаги қонуни ва бошқа аграр соҳасидаги ислоҳотларни хуқукий жиҳатдан таъминловчи қонунлар ва меъёрий хужжатларни қабул килиниши, "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш Дастури (1998-2000)" ердан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигини илмий жиҳатдан таъминлашнинг хуқукий асосини яратади.

### **Саволлар:**

1. Тупроқларни географик тарқалиши ва ривожланиши қайси конуниятлар асосида ўрганилади?
2. Тупроқ муҳофазаси деганда нималарни тушунасиз?

## **2-МАВЗУ: ТУПРОҚ ГЕНЕЗИСИ, ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ТАСНИФИ**

Режа:

1. Тупроқларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида (генезиси) тупроқ пайдо қилувчи омилларнинг аҳамияти ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
2. Тупроқ таснифи. Тупроқлар номенклатураси ва диагностикаси.
3. МДХ ва Ўзбекистон тупроқларини районлаштириш.

## **Адабиётлар: 1, 2, 4, 5, 6, 7, 8, 10,12,16.**

1. Тупроқларнинг генезиси ва хоссалари билан тупроқ пайдо қилувчи омиллар орасида мустаҳкам ўзаро боғлиқликни В.В. Докучаев аниқлади. Унинг тавсияси билан тупроқ пайдо бўлишининг табиий шароитларини, тупроқ пайдо қилувчи омиллар деб юритиладиган бўлинди, уларга тупроқ она жинси, иқлим, рельеф, ўсимлик ва хайвонот олами, тупроқнинг ёши кабилар киради. Кейинчалик ушбу таълимотни Н.М.Сибирцев, П.А. Костычев, В.Р.Вильямс, Е.А.Захаров, Е.Е.Неуструев ва бошқалар ривожлантирилар.

Тупроқ пайдо қилувчи она жинслар - тупроқ пайдо қилувчи омиллардан биридир. Улар кимёвий, механик ва минералогик таркиби, зичлиги, тупроқнинг физикавий, физик-механикавий хоссаларига: сув- хаво, иссиқлик, озуқа ва туз режимлари, унумдорлигига катта таъсир этади.

Иқлим. - тупроқ ҳосил қилувчи муҳим омил бўлган иқлим, ўсимликлар ўсиб ривожланишида, тарқалишида, тупроқдаги биологик жараёнлар, сув, иссиқлик, хаво, озуқа режимларига, нураш ва ишқорсизланишига, шўрланишига бевосита таъсир этади. Бу ўзгаришлар тупроқнинг механик таркибига боғлиқдир. Термик ва тупроқнинг, намланиш шароитига қўра иқлим гуруҳлари ажратилади, бу-ерда асосий кўрсаткич -  $10^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган ўртача суткалик ҳарорат ҳисобланади.

Иқлим гуруҳлари

$10^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган ҳарорат

йифиндиши

<i>Совуқ (құтб) иқлим</i>	$<600^{\circ}$
<i>Мўътадил совуқ % (бореал)</i>	$600^{\circ} - 2000^{\circ}$
<i>Мўътадил илиқ (Суббореал)</i>	$2000^{\circ} - 3800^{\circ}$
<i>Илиқ (субтропик)</i>	$38000 - 8000^{\circ}$
<i>Иссик</i>	$>8000^{\circ}$

Иқлимининг термик гуруҳлари ер ишларида минтақалар тарзида тарқалгани учун, уларни биотушм ёки тупроқ биотермик минтақалари деб аталади.

Ёғинлар билан намланиш шароитларига қўра иқлимининг қуйидаги; 6 асосий группалари ажратилади:

<i>Иқлим гуруҳлари:</i>	<i>Намлашии коэффиценти</i>
<i>Жуда нам (экстрагумид)</i>	$> 1,33$
<i>Нам (гумид)</i>	$1,33 - 1,00$
<i>Ярим нам (семигумид)</i>	$1,00 - 0,55$
<i>Яримқуруқ (семиарид)</i>	$0,55 - 0,33$
<i>Қуруқ (арид)</i>	$0,33 - 0,12$

## *Жуда қуруқ(экстраарий) <0,12*

Рельеф –уч гурухга: макрорельеф, мезорельеф ва микрорельефларга ажратилади. Макрорельф деганда текислик, баланд текислик, тоғлар сингари йирик рельеф формалари тушунилади. Бу рельеф хаво оқимнинг ҳаракатига таъсир этиб, катта майдонлар иқлимини шакллантиришда иштирок этади. Мезорельеф баландликни кам ўзгарадиган адир-қирлар паст баландликлар ва водийлар каби рельеф шакллари киради. Мезорельеф тупроқда ёруғлик, иссиқлик ва намни тўпланиши ва тарқалишида асосий роль ўйнайди. Микрорельеф - рельефнинг кичик, паст шакллари бўлиб, уларга пастқам жойлар, дўнгчалар ва ер юзаси нотекисликлари киради. Микрорельеф тупроқнинг нотекис намланшипи, физик, кимёвий, хоссалари, озуқа ва туз режимига таъсир қиласи ва тупроқларнинг комплекс ҳолда тарқалишида асосий роль ўйнайди.

Ўсимлик ва ҳайвонот олами - тупроқ пайдо қилиш жарёнларга таъсир этувчи энг қудратли омиллардан бири - тирик организмлар, яъни биологик омиллар. Тупроқнинг пайдо бўлишининг бошлангич даври ҳам турли организмларнинг тупроқ она жинсларига таъсири билан боғлиқ.

Тупроқнинг ёши - тупроқ пайдо қилувчи жараёнлар маълум вақт бирлигиде кечади. МДХни жанубида тарқалган бўз, каштан ва қора тупроқлар ёши шимолдаги ўрмон-сур, подзол, тундра, арктика тупроқлар ёшига нисбатан анча катта. Дарё террасаларида - дарё еохилларида энг ёш тупроқлар тарқалган, ундан кейин биринчи терраса, сўнгра иккинчи, учинчи ва ҳоказо. Террасалар бўйича ёши ошиб боради. Тупроқнинг абсолют ва нисбий ёши ажратилади. Тупроқ пайдо бўлишидан бошлаб ҳозирга қадар ўтган вақт абсолют ёш ҳисобланади. Нисбий ёш тупроқ пайдо бўлиш жараёнлардаги турли босқичларнинг бир бири билан алмашинув вақтини ҳарактерлайди.

Инсонлар ўзинияг қишлоқ хўжалигидаги фаолияти билан тупроқ ва тупроқ пайдо қилувчи табиий омилларга катта таъсир этади. Шунинг учун юқоридаги 5 та омилларга яна бир омил антропоген омил қўшилади. Тупроқ табиий шароитларининг ўзаро биргаликдаги таъсири натижасида шаклланади ва аста-секин ўзгаради. Инсонларнинг тупроққа йўналтирилган таъсир этиш натижасида тез ва қисқа муддатда ўзгариши мумкин. Инсонларнинг тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар натижасида янги маданий, самарали ва потенциал унумдорлиги юқори бўлган тупроқ юзага келади. Аммо тупроқдан нотўғри фойдаланиш, аксинча тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келади.

Муайян табиий шароитларда, тупроқ пайдо қилувчи омилларнинг таъсирида, турли она жинслардан тупроқ профилининг шаклланиши тупроқнинг ривожланишя дейилади. Эволюцияси деганда тўлиқ равища яхши ривожланган тупроқларнинг тури ва янги вужудга келадиган тупроқ пайдо қилувчи омиллар таъсирида ўзгариши тушунилади. Бунинг натижасида муайян генетик типчага кирадиган тупроқ бошқа типчага ёки типга утади. буларга сабаб: 1) иқлимининг совии ёки исии, намлини ошиши ёки қуруқлашуви; 2) рельефига кўра грунт сувларни ўзгариши; 3) тупроқ пайдо бўлиши жараёнлари натижасида тупроқ маркиби ва тузилишида рўй берадиган ўзгаришлар.

2. Тупроқларни ўхшаш белгилари, келиб чиқиши ва унумдорлиги каби хусусиятларга қўра муайян гуруҳларга бирлаштиришга тупроқ классификацияси (таснифи) дейилади. МДХ тупроқларини классификациялаш муаммолари билан В.В.Докучасв, Н.М. Сибирцев, П.Е.Коссович, Н.Д.Глинка, Е.Е.Неуструев, К.К.Гедройц, Е.Н.Иванова, Н.Н. Розов, И.П.Герасимов, А.А.Завалишина ва бошқалар. Ўзбекистон тупроқлари бўйича Реепубликамиз олимлари М.У.Умаров, Е.А.Шувалов, Н.В.Кимберг, Б.В.Горбунов, А.З.Генусов, Р.Қўзисв ва бошқаларни хизматлари катта бўлди.

Тип - деб, деярли бир хилдаги тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари кечадиган, ҳамда ўхшаш физик-географик шароитларда катта майдонларда шаклланган конкрет тупроқлар айтилади. Тупроқ типларининг энг муҳим белгилари: 1) тупроққа тўпланадиган органик моддалар ва улар парчаланиши, ўзгариш жараёнларнинг деярли бир хил бўлиши; 2) тупроқ минерал ва органик минерал моддалар синтезидаги жараёнларнинг бир хиллиги; 3) моддалар миграцияси ва 4) тупроқ профили тузилишияниг бир хилда бўлиши; 5) тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирлари ягоиа йўналишда олиб борилиши. Тупроқ типлари экологик - генетик синфлар ва қаторларга бирлаштирилади. МДХда 8 та экологик- генетик синф ва 4 та генетик қаторлар ажратилган. Хозирда МДХда 100 га яқин тупроқ типлари, Ўзбекистонда 22 тип ва 59 типчалар ажратилган.

Типча - тупроқ типлари орасида ажратиладигаи таксономик бирлик бўлиб, асосий ҳамда қўшимча тупроқ пайдо қилувчи жараёиларнииг боришидаги айrim сифатли фарқлар билан ҳарактерланади. Типчаларга бўлаётганда тупроқ пайдо қилувчи жараёнларни зонал (шимолдан жанубга қараб) ўзгариши билан бирга фациал (шарқдан Фарбга қараб) ўзгариши ҳам эътиборга олинади.

Авлод-типчалар орасидаги тупроқ гуурухларини ўзига бирлаш-тиради. Тупроқларнинг генетик хусусиятлари (она жинслар тузилиши ва таркиби, ғрунт сувлар таркиби) кўплаб маҳаллий шароитларнинг тупроқ пайдо бўлиш жараёнларига таъсири натижасида (шўрхокланиш, шўртобланиш, карбонатланиш ва ҳоказо.) юзага келади.

Тур - авлодлар орасида ажратиладиган тупроқ группалари бўлиб, тупроқ пайдо қилувчи жараёнларнинг бориш жадаллигига қўра ажратилади (гумус тўпланиши, чуқурлиги, шўрланиш даражаси, эрозияланиш даражаси в.х.к.), тур тупроқ бўлиш жараёнининг миқдор жиҳатларини акс эттиради.

Тур хили - тупроқнинг юқори қатламлари ва она жинсларининг механик таркибига қўра ажратилади.

Разряд -тупроқ она жинсларининг келиб чиқиши асосида бўлинади.

Тупроқшуносликда -номенклатура деганда тупроқларнинг хоссалари ва классификацияда турган ўрнига қараб номланиши тушунилади. Тупроқлар диагноетикаси - классификациялашдаги муайян бўлимига киритиш учун имконини берадиган тупроқнинг алоҳида белгилари йиғиндиси ҳисобланади.

3. Тупроқларнинг кенглик бўйича тарқалишида маълум географик қонуният мавжуд. Текислик территориялари бўйлаб тупроқларнинг табиий шароитлари деярли бир хил бўлган муайян географик кенгликларда маълум тупроқ типлар тарқалишини горизонтал зоналлик дейилади. Тоғли ўлкаларда тупроқларнинг, текисликлардаги кенгликлар бўйлаб тарқалган тупроқлар сингари, вертикал йўналиш бўйича алмашинишини вертикал зоналлик дейилади. Ҳозиргивақтда тупроқларни географик районлаштиришда таксономик бирликларининг қуйидаги системаси қабул қилинган: тупроқ-биоиқлим минтақаси, тупроқ - биоиқлим ҳудуди, тупроқ зонаси, тупроқ зоначаси, биоиқлим фацияси, тупроқ провинцияси, тупроқ округи ва тупроқ райони. Тупроқ - биоиқлим минтақаси тахминан термик минтақаларга тўғри келади. Ушбу минтақа ўзининг атмосфера ёғинлари билан намланиш даражасига қўра қуйидаги ҳудудларга бўлинади: нам (гумид ва экстрагумид), ўтувчи (субгумид ва субарид) ва куруқ (арид ва экстраарид).

Тупроқ зонаси - текис территорияларни тупроқ географик районлаштиришдаги асосий бирлик ҳисобланади. Тупроқ зонаси муайян тупроқ типларини баъзан гидрозонал тупроқларни ўз ичига оладиган тупроқ биоҳудудлари майдонининг бир қисмидир.

Тупроқ зоначаси тупроқ тупроқ зонасининг бир қисми бўлиб, зонал тупроқлар орасида маълум тупроқ типчалари ифодаланган бўлади.

Тупроқ фацияси - тупроқлар ўзининг температура режими ва мавсумий иамланиши билан фарқ қиласиган тупроқ зонасининг бир қисми ҳисобланади. Тупроқ провинциялари - маҳаллий тупроқ ҳосил бўлиш хусусиятлари билан фарқланадиган тупроқ зона ёки зоначасининг бир қисми айтилади.

Тупроқ округи - тупроқ провинциясининг бир қисми бўлиб, тупроқ пайдо бўлишига таъсир этувчи омиллар: жойнинг рельефи, иқлими, ўсимликлари, гидрогоеологик хоссалари сингари ўзига хос хусусиятлари билан ҳарактерланади.

Тупроқ райони - тупроқ округининг бир қисми бўлиб, тупроқ қопламиининг бир хиллиги билан ажралиб туради ҳамда тупроқнинг самарали унумдорлигини оширишга қаратилган деярли бир хилдаги тадбирларни олиб боришни талаб этади.

МДХ териториясида 1) совуқ, (*кутбий*), 2) *Мўътадил совуқ* (*бореал*), 3) *мўътадил* (*Суббореал*), 4) *мўътадил илиқ* (*субтропик*) каби тупроқ биоиклим минтақалари ажратилади. Ўзбекистонда иккита тупроқ - биоиклим минтақасини ажратилади: мўътадил ва илиқ субтропик. Тупроқ географик районлаштиришнинг умумий схемасига кўра Ўзбекистон териториясида ўзига хос 6 провинция, 27 округ ва 83 тупроқ районлари ажратилади.

### Саволлар:

1. МДХда учрайдиган тупроқ биоиклим минтақаларини ҳарактерлаб беринг?
2. Чўл (арид) зонаси тупроқларининг морфогенетик хусусиятларидаги фарқлар асосида қандай провинцияларга ажратилади?
3. Интразонал тупроқлар деганда қандай тупроқлар тушунилади?

## ҚУРУҚ СУБТРОПИК ТОФ ОЛДИ ЧЎЛ-ДАШТ ЗОНАСИННИГ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИ; ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР

Режа:

1. Бўз тупроқлар зонасининг табиий шароити, генизиси, классификацияси.
2. Оч тусли бўз тупроқлар тарқалиши, ва хоссалари.
3. Суғориладиган бўз тупроқларни узига хос хусусияти
4. Оч тусли бўз тупроқлардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш.

Адабиётлар: 1, 2, 4, 5, 7, 12, 13, 16 1.

Бўз тупроқлар Ўрта Осиё ва Козогистон тоғ олди зоналарида ҳамда Озорбайжон Кура-Араке паст-тексиликларида жойлашган. Бўз тупроқлар тупроқ иқлим шароитига кура-денгиз сатхидан 250 дан 1400- 1600 м баландликдан утади.

Бўз тупроқларини тарқалиш чегараси Ўзбекистонда ҳам бир хил эмас. Масалан, Тошкент вилояти куйи чегараси денгиз сатхидан 250-350 м., Зарафшон водийсида 350-400, Капшадарё, Сурхондарё вилоятларида 450-500, гарбий Фарғонада тахминан 500 м. баландликда утади. Бўз тупроқларни турлича баландликлар буйлаб тарқалиш и, уларни Осиё китъаси тоғ системаси вертикал зоналик конуниятига киради ва буйеунади.

Тупроқ пайдо қилувчи шароитлар ҳам вертикал зоналик хусусияти яхши ифодаланган.

Иқлими континентал, Қуруқ ва иссиқ бўлиб, қиши анча юмшок ва илик- Январь ойи ўртacha ҳарорат +2 дан ... 5°Е гача, июлда 26-30°Е га Қадар иссиқ бўлади. 10°Сдан юқори ҳароратли давр 170-245 кун бўлиб, ҳарорат йиғиндиси 3400-5400°C ни ташкил этади. Йиллик ёғин микдори 250-350 мм.дан 600 мм.гача, ёғин асосан Совук даврларда, ҳамда баҳор ойларид серёғин бўлиб, ёзда кам ёғин бўлади.

Зонанинг рельефи қўплаб дарё ва сойлар билан булиниб. Тоғ олди зоналарида қиялик ва паст-тиқисликлардан иборат. Тоғларга яқинлашган сари - қияликларни нишаблиги ошади, адирлар, ур- қирли ерлар бошланади. Тупроқ пайдо қилувчи она жинслар асосан лёсс, лёссимон жинслар, тоқга яқинлашган ерларда делювиал, пролювиаллардан иборат.

Ўсимликлари ҳам жойнинг абсолют баландлигага қараб узгаради. Зонанинг куйи қисмида 5-8 см.гача зич чим ҳосил қиласидан ранг-коврак ва эфсмер ва эфмероидлар бойчечак, чучимома, нухотак, сагон, лолакизгалдок, ёввойи арпа ва бошқалар ўсади. Зонанинг ўрта ва баланд қисмларида эфсмерлар билан бирга овдурай, каррак, ялтирош, буғдойиклар, қузиқулок ўсади. Тоғ оралигидаги водийларда терак, тол, жийда ҳамда паст буйли чакалакзорлар учрайди.

Бўз тупроқларнинг генизиси ва классификациям хакидаги дастлабки маълумотлар 1881 й. Николай Тейх Тошкент атрофида утказган текшириш ишларида, 1882 й. А.Миддендорф Фарғона водийсини тупроқларини текширганда бу тупроқларни сариқ тупроқ Деб атаган.

Бўз тупроқларни келиб чиқиши туғрисида Н.А. Димо, Л И. Проса лов айниқса, Е. Е. Неуструевни 1908 йили Сирдарё вилоятида олиб борган тадқиқотлари асосидаги «бўз тупроқлар» терминни таклиф килган ва адабиётларга киритилган. Кейинчалик бўз тупроқларнинг генизиси

соҳасидаги мукаммал тадқиқотлар Н.А. Розанов томонидан олиб борилди ҳамда унинг «Ўрта Осиё бўз тупроқлари» 1951 й. монографиясида батафсил баён этилди. Ўзбекистонлик олимларни кўплаб шплари ҳам бўз тупроқларни урганишга қаратилган (М.Баходиров, Б.В. Горбунов, Н.В. Кимберг, М.Умаров, А.М. Расуловва бошқалар). Ўзбекистон тупроқшуноелар бўз тупроқларни биологик ва иқлим шароитларини ҳар томонлама урганиб бўз тупроқлар классификациясини ишлаб чиқганлар - улар учта типгача: Оч тусли бўз тупроқлар, типик бўз тупроқлар ва тўқ тусли бўз тупроқ ларга ажратилди.

2. Оч тусли бўз тупроқлар зонанинг анча ҚУРУҚ минтақасида тарқалган бўлиб, Чўл зонаси билан туташган, денгиз сатхидан 250-300, айrim ҚУРУҚ минтақаларда (Фарғона, Сурхон-Шерободда) 400-500 м.гача баландликга кутарилиб жойлашган. Оч тусли бўз тупроқлар тоғ этаги ён багирларида, Мирзачўл, Карши Чўлларида, Фарғона водийсининг ўрта қисмларида, Сурхондарё, Кашибадарё хавзаси ва бошқа худудларда тарқалган. Оч тусли бўз тупроқларни умумий майдони 2592 минг гектар. Оч тусли бўз тупроқларни морфологик тузилиши A+B горизонтини, қалинлиги 40-50 см., A горизонта 6-12 см, оч бўзғиши тусли, B, горизонта 20-25 см бироз малла тусли, B<sub>2</sub> карбонатли ок қузанакли доғла ри бор горизонта билан алмашинади. Тупроқни она жинс «Сарғиши, юмшок майдағовакли горизонтта, пастки 150-180 см да гипс ва бошқа тузлар учрайди.

Оч тусли бўз тупроқларни узига хос хоехуеусиятларндан бнри чириндини камлиги, A горизонтида гумус миқдори 1,2-1,4% , пастки қатламларида камайиб боради; озуқа моддалар азот 0,05-0,11 фосфор 0,10-0,14 ва калий 1,77-2,22% атрофида. Ҳозиргивактда суғориладиган ва лалми оч тусли бўз тупроқлар бу курсаткичлар 30-50% гача камайиб кетган. Купчилик майдонлардаги оч тусли бўз тупроқлар шўрланган, механик таркиби енгили эса дефляцияга чалинган.

3. Суғориладиган бўз тупроқлар - қишлоқ хўжалигида турли муддатларда фойдаланиб келаётган шароитда ривожланади. Суғориладиган бўз тупроқлар узининг қатор хусусиятлари профилининг горизонтларига яхши булиниб туриши, гумусли горизон типи қалинлиги, чириндини кўп эмаслиги 1-1,8% , аммо суғориш суви билан келтирилган қатламларда чириндини қуплиги ва горизонтларга тенг тарқалиши, карбонатли горизонтнинг яхши ифодаланмаганлиги билан ҳарактерланади. Қадимги суғориладиган воҳа - бўз тупроқларининг профилида сопол идишларнинг синиклари, суюк, кўмир бўлаклари ва бошқа уй буюмлари қўшилмалари

учрайди. Жонзотлар - чувалчангларни актив фаолияти излари яхши кўриниб туради.

Суғориладиган бўз тупроқлар ўзларининг хусусиятларига кўра;

1. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар .
2. Суғориладиган типик бўз тупроқлар
3. Суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар ва қадимдан суғориладиган (вона бўз) тупроқларга ажратилади.

Ўзбекистонда қадимдан дехқончилик қилиб келинаётган Хоразм, Зарафшон воҳаларида қалин агроирригацион қатлам 1-2 м.дан ортик воҳа - бўз тупроқлари тарқалган.

Бу тупроқларни М.А. Орлов (1933 й.) маданий суғориладиган кейинчалик РЛуузисв (1991 й.) бу тупроқларни тадрижий ривожланшини ва унумдорлиги туғрисида батафсил маълумотлар берган.

3. Оч тусли бўз тупроқлар бошқа типчалари каби қишлоқ хўжалигига муҳим уринни эггалайди. Бунда асосий пахтачилик районлари жойлашган бўлиб, оч тусли бўз тупроқлар интенсив суғориладиган девдончиликда фойдаланилади. Пахтачилик билан бир қаторда оч тусли бўз тупроқда кўплаб қишлоқ хўжалик экинлари: шоли, Кандлавлаги, маккажухори, буғдой, луб экинлари, сабзавот, Картошкава бошқа экинлар етиштирилади. Бу ерда боғдорчилик, узумчилик ва пиллачилик ҳам кенг ривожланган.

Оч тусли бўз тупроқларни айнан анчагина майдонлари шўрланган, шўрланиш асосан нотўғри хўжалик юритиш, «пахта якқаҳокимлиги» даврда Мирзачўл, Кашқадарё, Сурхон-Шеробод, Фарғона водийсида тупроқларни сифати ва ишлаб чиқариш кобилияти ёмонлашган. Шу билан шамолли районларда механик таркиби енгил бўлган тупроқлар дефляцияга чалинган, тупроқ унумдорлиги пасайган. Тупроқлардан оқилона фойдаланиш ва унумдорлигини яхшилаш учун шўрланган минтақаларда тупроқни меллоратив холатини яхшилаш, эрозияга учраган тупроқларни комплекс агротехник тадбирлар куллаш тавсия этилади.

Саволлар:

1. Бўз тупроқларни Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланишидаги роли ҳакида гапириб беринг?
2. Оч тусли бўз тупроқлар қайси хосса-хусусиятлари билан бошқатипчаларидан фарқланади?
3. Бўз гупроклардан тўқ тусли бўз тупроқлар асосан қайси қишлоқ хўжалик экинлари эқилади ва фойдаланилади?

## ТИПИК ВА ТҮҚ ТУСЛИ БҮЗ ТУПРОҚЛАР

Режа:

1. Типик бўз тупроқлар, тарқалиши, тупроқ пайдо қилувчи табиий шароитлар.
2. Типик бўз тупроқларни хоссалари
3. *Тўқ тусли бўз тупроқлар табий шароити ва хоссалари*
4. Типик ва тўқ тусли бўз тупроқлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, эрозияга карши кураш тадбирлари.

Адабиётлар: 1,2,4,5,7,9,10,11,12,13,16,18

1. Типик бўз тупроқлар бўз тупроқли зонани ўрта қисмидан эгаллаб денгиз сатҳидан 350-500м дан 600-800 м. гача баландликда учрайди. Типик бўз тупроқлар ТОГОЛДИ текисликларнинг ўрта ва юқори қисмларида, дарё водийларининг юқори ва ўрта террасаларида, қисман адиrlарда ва пасттоғ олдиларида тарқалган, умумий майдони 3051 минг гектар, шундан 910 минг гектари сув эрозиясига ҳар хил даражада чалинган. Типик бўз тупроқлар Ўзбекистонда, Чирчик ва Охангарон дарёларининг юқори террасаларида, Фарғона водийси атрофидаги ТОҒ- олди пасттекисликларга ва адиrlарда, Зарафшон, Китоб-Шахрисабз, Сурхондарё ТОҒ оралигида ва шунингдек дарёларнинг юқори террасаларда тарқалгандир.

Типик бўз тупроқлар асосан лёссли лёссимон делювиал она жинсидан ривлжалланган. ТОҒ олди ва адиrlарда (Фарғона водийси) типик бўз тупроқлар она жинси екелет-майда заррачали: чоғир тошли ва шагалли пролювий, делювий ва аллювийлардан иборат. Тупроқ пайдо қилувчи табиий шароитлари:

Иқлими. Типик бўз тупроқларни иқлими оч тусли бўз тупроқларга нисбатан анча юмшок ва серёгин бўлади. Йиллик ўрта  $t = -12^{\circ}$ , (+13.5) йиллик ёғин 300-500 мм, ёғин асосан қиши ва баҳор ой ларида ёғади, қиши унча еову к эмас, еернам. Баҳори илик ва сереFHN келади, ёзи исеяк. Ўсимликлари-эфсмер Ўсимликлардан ялтирибош, арпа, буғдойик, кўп йилликдан - Оқкурай, Каррак ва бошқа чимли ўсимликлар ўсади.

Рельефи. Паст-баланд текисликларга жойлашган бўлиб, қияликлари 2-3° ва ундан юқори бўлган жойларда сув эрозияси ривожланиб типик бўз тупроқлар эрозия таъсирида бўзилиш даражасига қараб кучсиз, ўртача ва кучли даражада учрайди.

2. Типик бўз тупроқларни морфологик тузилиши, оч тусли бўз тупроқларга нисбатан генетик горизонтлари анча яхши ривожланган. Чириндили қатлами А+В 50-60 см, Агоризонтини килинлиги 4-6 см чимли

Кават бўз-суррангли яхши донодар еструктураси, А<sub>2</sub> чим таги -8-9 см, оч кулранг, сувга чидамли донодор увокли еструктурага эга, В, 18-35 см. Сурқунғиувокли еструктурали, карбонатлар ок магорли, жониворлар изи пастга қараб карбонат тугунчалар бошланади, В<sub>2</sub> 36-65 (70) см. Оч кул-саргиш рангли, чангсимон еструктурали, жониворлар-чуволчанглар излари, (инлари) карбонатлар тугунчалари (желвачкали) В<sub>3</sub> 66-(70)-105 см. Сарғиш рангли, бир хилда зичланган, карбонат тугунчалари пастга қараб камаяди.

106 (НО)-см.дан сариқ рангли лёсс ва лёссимон она жинслар майдаде тешикчали, зичланмаган. Типик бўз тупроқларда чиринди миқдори юқори қатламларида 1,5-2,0%, азот 0,1-0,110, умумий фосфор Р<sub>2</sub>О<sub>5</sub>-0,15- 0,25% , калий 2,1-3,0% гача, сингдириш СИУИМИ юқори қатламларида 10-12 мг/экв 100 гр. Тупроқда. Сингдирилган карионларнинг 80-90% и Са<sup>++</sup>ва 10-15% и Mg-Н-га туғри келади, сингдрилган натрий кам 1-2% ни ташкил этади.

Типик бўз тупроқларни механик таркиби купинча кумовди камрок еозли: бу тупроқга ҳарактерлн йирик чангли қумокли бўлиши. Типик бўз тупроқларнинг юқори горизонтларида зичлик унча юқори эмас зичлиги 1,17-1,22 г/см<sup>3</sup>, коваклиги 50-55% ни ташкил этади.

Хозиргивактда типик бўз тупроқларни жуда катта майдонлари суғорилмоқда, суғориш натижасида бу тупроқлар узининг қатор хусусиятлари: профилининг горизонтларига яхши табақалашмаганлиги, чириндини анча камайганлиги, лекин чириндини профил буйича тенг миқдорда (пастки горизонтларга секин камайиб бориши) тарқалиши, карбонатли горизонтнииг яхши ифодаланмаганлиги билан ҳаратерланади. суғориш даврига қараб янгидан, қадимдан суғориладиган ваҳо-бўз тупроқларга ажратилади.

3. Тўқ тусли бўз тупроқлар зонанинг энг юқори минтақаларнда тарқалган бўлиб баланд ва паст тоғ ёнбагирлари, дарё водийларининг ТОҒ ораликларида текисликларида дентиз сатхидан 700-1000 м дан айрим курик минтақаларда 1400-1600 м.гача бўлган баландликларда тарқалган. Умумий майдони 1055 минг. Гектар, шундан 867 минг гектари ҳар хил даражада юза сув эрозиясига чалинган.

Тўқ тусли бўз тупроқларни табиий шароити: иқлими- тўқ тусли бўз тупроқли ерларнинг иқлими юмшокрок бўлиб, йиллик ўртача температура 10-12°, ёзи у қадар иссиқ эмас, қиши эса хийла Совуқ ҳамда узок давом этади. Йиллик ёғин 400-500 мм ташкил этади, Шаркий Фарғонада, хисор водийсида 600 мм гача ёғин тушади, ёғинни асосий қисми қиши ва баҳор ойларига туғри келади.

Үсимликлари асосан буғдойқ ёввойи арпа, широч үт, лола, паст буйли дарахтлар, улар орасида эфемердан ялтирибаш, қисмалдок ва бошқалар учраган.

Рельефи анча мураккаб баланд-паст ёнбағрли қияликлардан иборат.

Түқ тусли бўз тупроқларни гумусли қавати яхши ифодаланган, гумусли горизонтини ( $A+B$ ) қалинлиги 80 см дан ортик бўлади. А горизонти түқ бўз тўсли, увовди донадор структурали;  $B$ - малла қўнғир тусли, бўзғиш ;  $B_k$ - горизонти оқ кузанаклар ва конкрекциялар шаклидаги карбонатларни тўпланиши, Е горизонти она жинс, сарғиш рангли майда тешикчали унга зичланмаган, гипс ва бошқа тузлар 2 м чукурликдан кейин учраши мумкин. Бу тупроқларда чиринди микдори юқори каватларида 3-4, азот 0.20-0.35% га қадар, умумий фосфор 0.170-0.210, калий 2.40-2.50%, ҳаракатчан фосфор ва калийга анча бой. Түқ тусли бўз тупроқлардаги гумус фульват - гуматли таркибга эга. Түқ тусли бўз тупроқларни 1 м даги гумус захираси 140-160 тоннани ташкил этади.

Түқ тусли бўз тупроқларни сингдириш сифими 100 гр Тупроқда 12-15 мг/экв.ни ташкил этади. Сингдирилган катионларнинг 80-90% и  $Ca$ -ни ва 10-15% и  $Mg$ -ни туғри келади, бу тупроқнинг пастки қатламларида сингдирилган магний кўп бўлиб, сингдириш сифимига нисбатан баъзан 45-55% га етади. Сингдирилган натрий кам 1-2,5% ни ташкил этади.

Тўқ тусли бўз тупроқларни механик таркиби оғир қумокли хиллари кўпроқ учрайди.

Тўқ тусли бўз тупроқларни асосий майдони лалмикор девдончилиқда фойдалинмоада. Бу ерларда асосан галла экинлари (буғдой, маккажухори,) кўп йиллик ўтлар, мевали дархатлар, узум, майли экинлар ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари эқилади.

*Бўз тунроклардан самарали фойдаланишида ва унумдорлигини оширишига қаратилган тадбирлардан энг муҳимлари:*

сугоришни туғри ташкил этиш: Тупроқда чукур хайдалма каватини яратиш: алмашлаб экиш (сугориладиган ерларда таза-дон-беда, лалми ерларда дон ли экинлар-беда-ангиз ерлар) кенг жорий этиш, минерал ва органик угитлардан оқилона фойдланиш; эрозияга карши кураш ва бошқалар.

Ерга асосий ишлов бериш чукурлигини аниқлаганда унинг механик таркиби, тупроқ гумусли қатламини қалин лиги, хайдалма ва хайдалма оети горизонтларининг зичлигига ҳамда каттиқ, айрим ерларда шух қатламларини жойлашувчи,  $\text{X}^{\circ}$ латлари эътиборга бери лиши зарур. Бу минтақа тупроқларида 2 хил сув эрозияси ривожланган. Типик бўз

тупроқларда сугориш, эрозияси, түк тусли бўз тупроқларда лалмикор ерларда юза сув эрозияси.

Типик бўз тупроқларда сугориш (ирригақион) эрозия, бу хил эрозия асосан қиялик ерларда сугориш, яъни жуякларга сув миёрини нотугри таксимлаш натижасида руй беради, шунинг учун типик бўз тупроқлар сугоришида асосий калити жуякларга тараладиган сувйини миёрини майдалаб тараш лозим. Ўзани экишда иложи борича горизонталга яқин қияликни тикилигини пасайтирган холда олиб бориш; Лалмикор ерларда юза сув эрозияси ривожланиб, бу ерларда хайдаш, | экиш ишлари горизонталга яқин, қияликни пасайтирган холда, олиб бориш. Эрозияга чалинган тупроқларни унумдорлигини ошириш учун алмашиб экиш даласида беда ва купийиллик ўтларни энг камидаги 3-4 йил бўлишигини, органик ва минерал ўғгитларни қиялик ерларга солиш тавсия этилади.

Саволлар:

1. Типик ва тўқ тусли бўз тупроларни қайси бири экологик жихатдан бўзилишига, ифлосланишига чалинган ва унинг асосий сабаблари?
2. Ўзбекистонда лалми ва сугориладиган бўз тупроқлар қайси миңтақаларга жойлашган, асосан улардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш йуналишларини айтиб беринг?

## ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАР.

Режа:

1. Гидроморф тупроқлар, уларни ҳосил бўлиш шароитлари ва классификацияси.
2. Чўл зонасининг гидроморф тупроқлари классификацияси, хоссалари.
3. Бўз тупроқлар зонасининг гидроморф тупроқлари, классификацияси, хоссалари ва гидроморф тупроқлардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш.

Адабиётлар: 1, 2, 4, 7, 8, 12, 13. I

1. Гидроморф тупроқлар гидро - асосан сув таъсирида яъни сизот сувлари яқин ( $0,5\text{-}3,0$  м.) бўлган шароитда, доимий капилляр намлик таъсирида ҳосил бўладиган ўтлок, ботқоқ, ботқоқ-ўтлоқ тупроқлар ва шўрхоклар киради. Гидроморф тупроқлар Чўл ва бўз тупроқлар зоналарида тарқалган бўлиб, дарёларнинг куйи террассалари, рельефи депреесиялари (чўқмалари)да - кул атрофи, дарё ва кулларнинг (куриб қолган пастликлари ва TOF олди қия текисликлари ҳам тоғ олди ёйилмаларида катта майдондарни эгаллайди.

Гидроморф тупроқлар майдони Ўрта Осиёning сугориладиган майдонларини ярмини, Ўзбекистонда эса 40% ини гидроморф тупроқлар ташкил этади.

Гидроморф тупроқлар намланиш шароитига қараб аллювиал режимдаги ва саз режимли тупроқларга ажратилади. Аллювиал режимдаги тупроқлар дарё водийларнда сизот" сувлари баркарор булмаган шароитда юзага келади. Саз режимли тупроқлар тоғолди қия гекисликларда ва ёйилмаларда тошардан сизиб оқаётган босимли сизот сувларнинг баркарор бўлган шароитда ҳосил бўлади.

Ер ости сувлари яхши окиб кетадиган шароитда, сизот сувлари одатда кам минераллашган бўлиб - бу бўз тупроқларнинг юқори зоналари учун ҳарактерли бўлиб, одатда бундай шароитда гидроморф тупроқлар шўрланмаган бўлади. Ер оети сувлари кам окиб кетадиган жойларда еоз сувдарининг минераллашуви бўлганлиги сабабли, Чўл зонасидаги ва қисман бўз тупроқларнинг куйи зонаридаги гидроморф тупроқлар турли даражада шўрлангандир. Гидроморф тупроқларнинг ривожланишига сизот сувларидан ташкари ҳар бир зонанинг табиий шароитлари-Иқлими, тупроқ пайдо қилувчи она жинслар таркиби, Ўсимликлар коплами ва бошқалар таъсир этади. Шунинг учун ҳам зонал жойлашувига кура, Чўл зонасининг ва бўз тупроқлар зонасининг гидроморф тупроқларига ажратилади.

Чўл ва бўз тупроқлар зонаси асосан гидроморф тупроқларнинг типларн - ўтлоқ, ботқоқ ва шўрхок тупроқлари бўлиб, улар ботқоқ-ўтлоқ, ўтлоқ (типик), шўрхок ва ботқоқ-шўрхок типчаларга ажратилади.

Шўрланиш даражасига қараб: шўрлямаган, кучсиз, ўртача ва кучли шўрланган тупроқларга ажратилади. Ўтлоқи тупроқлар гумус микдорига кура оч тусли (2% гача гумус бўлади) ва тўқ тусли (2% дан кўп) турларга булинади. Гидроморф тупроқлар сугориш даврига қараб янгидан ва қадимдан сугориладиган (воҳа) тупроқларга ажратилади.

2. Чўл зонасининг гидроморф тупроқлари дарё водийлари ва ирмокларида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг асосий қисми аллювиал, камрок қисми еоз режимли тупроқлар жумласига киради. Асосан аллювиал режимли гидроморф тупроқлари Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарё водийларида, еоз режимилари асосан Зарафшон, Еух дарё ёйилмаларида учрайди.

Чўл зонасининг гидроморф тупроқлари: еохил (кайир) аллювиал, аллювиал-ўтлоқ, ботқоқ - ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ шўрхокли, ботқоқ тупроқлар ва шўрхоклардан иборат.

Чўл зонасининг гидроморф тупроқлари узига хос хусусияти, унда гумуснинг камлиги ва турли даражада шўрланганигидир. Чўл зонасининг

асосий гидроморф тупроқларининг вакилларини хосса- хусусиятларига тухтаб утамиз.

Еохил (кайир) аллювиал тупроқлар - бу тупроқлар ҳар йили даврий дарё тошкенилари натижасида фойда бўлиб, сув оқимини тезлигига қараб турли механик таркибли бўлади. Бу тупроқларда генетик қатламлар аниқ ажралмаган, еструктурасиз, карбонотли, гипсли горизонтлар ифодаланмаган. Бу тупроқларда гумус миқдори кам ( $0,3\text{-}0,67\%$ ) азот ( $0,03\text{-}0,04\%$ ), умумий фосфор -  $0,09\text{-}0,12\%$ , умумий калий  $1,5\text{-}1,5\%$ .

Ўтлоқ-аллювиал тўқай тупроқлар, аллювиал чимли-ўтлоқ тупроқлар, бу тупроқлар бир-бирларидан таркибида чиринди ва озиқамоддалар миқдори билан фарқланса, иккинчи томондан дарё буйларида жойлашипга билан ажралиб туради.

Суғориладиган ўтлоқ тупроқлар - бу тупроқлар Чўл зонасида кенг тарқалган бўлиб, асосан Қадимги вохаларда Хоразм, Чимбой, Карши, Бухоро, Қоракум вохалари, Зарафшон дарёси этагида тарқалган.

Суғориладиган аллювиал воха-тупроқлари хозирда дехкончилик олиб бориладиган ерлар хисобланади. Уларнинг таркибида гумус  $1\text{-}1,3\%$  атрофида, азот ( $0,06\text{-}0,07$ ), фосфор ва калий унча кўп эмас; еоз воха ўтлок тупроқларда гумус ( $1,67\text{-}2,0\%$ ), азот ( $0,14\text{-}16\%$ ), ҳаракатчан калий миқдори  $300 \text{ мг}/\text{кг}$ . Агроригацононли қатламли тупроқни зичлнги бир хил  $1,27\text{-}1,40 \text{ г}/\text{см}^3$ , коваклиги  $48\text{-}50\%$ .

Аллювиал ботқоқ-ўтлоқ тупроқлар- бу тупроқлар купинча шоликорликда фойдаланилади, бутун вегетация даврида сизот сувларий юза жонлашади, натижада ботқоқланиш аломатлари, 50 см. чуқурликдав' бошлаб занги доғла р, сунгра кукимтири тусли доғла р бўлган глей горизонта яхши ифодаланади. Бу тупроқларда гумус  $1,5\text{-}2,0\%$  атрофида.

Аллювиал ботқоқ тупроқлар - еохил ва сохил уети террасаларида доимий сув босиб турадиган жойларда кенг тарқалган, бу тупроқларда еҳзот сувлари  $0,5 \text{ м}$ . атрофида. Ёш ботқоқ тупроқларда  $1,0\%$  гача гумус,  $0,04\text{-}0,07\%$  азот бор. Бу тупроқлар доимий сув босиб турганлиги ва мелиорация ишлари мураккаблиги учун дехкончиликда кам фойдаланилмоқда, аммо булар қуритилиб дехкончиликда фойдаланилмоқда.

3. Бўз тупроқлар зонасининг гидроморф тупроқлари - бу тупроқлар баркарор намланиш режими билан ҳарактерланади. Зонани асосий тупроқлари сохил-аллювиал, чимли-ўтлоқ, ботқоқ-утлоқ ва ботқоқ тупроқлардир, бу тупроқлар дарёларнинг куйи террасаларида, водийларпинг чеккаларида, ёйилмаларни орасидаги пастликларда, тоғолди қияликларни қуйи текисликларида тарқалган.

Бўз тупроқлар зонасининг тупроқларидан оч тусли бўз тупроқлар чўлга яқин жойлашганлиги туфайли шўрланишга чалинган. Мисол тарикасида Мирзачўл ва Қарши чўллини оч тусли бўз тупроқлари ҳозиргивактда 70-80% ҳар хил даражада шўрланган, ер оети суви кутарилган.

Бу зонадаги асосий суғориладиган гидроморф тупроқлар - аллювиал ўтлоқ тупроқлар, аллювиал - ботқоқ тупроқлар дехкончиликдп дхши фойдаланилади. Аллювиал-ўтлоқ тупроқлар Сирдарё ва унинг ҳрмовдари (Қора дарё, Норин, Охангарон) воднийларида, Зарафшон, ҳашқадарё, Сурхон дарё водийларида катта майдонларни эгаллайди. ҳомарга яқин ва тоғолди текисликларда бу тупроқлар 0,5-2м чуқурликда дагал бўлган қатламли кумлок ва еозли ёткизикларда ривожланади; Бу тупроқларни морфологик тузилиши 12-25 см. бўлган чимли кават (А) ҳанги тўқ бўзғиши , В горизонти очқунғирбўзғиши рангли, увакли чидамсиз .етруктура, пастки қисмида зангли доғла ри бўлган кукимтиригларни жориёланади. Гумусли горизонти қалин лиги 60-80 см.ни ташкил этади. Курик ўтлоқи тупроқлар чиринди миқдорига қараб 2 тинга булинади: тўқ тусли ўтлоқ тупроқларда гумус 3-4%, оч тусли ўтлоқи тупроқларда 1,5- 2,5% атрофида. Умумий азот 0,086-0,117%, фосфор 0,13-0,15, калий 1,7- "1% дан иборат.

Суғориладиган аллювиал ўтлоқи тупроқларда гумус (1,7-2,0)% хулиб, ўтлоқ воҳа тупроқларда гумус бироз камрок, сингдириш сифими f00 г. Тупроқда 10-12 мг/экв, унинг таркибида кальций-магний кун.

Аллювиал ботқоқ-ўтлоқ тупроқларда сизот сувлари ер бетига яқин жойлашган (0,7-1,2м.), бу тупроқлар соҳил усти террасаларининг пастлик жойларига жойлашган. Бу тупроқлар доим еернам бўлишилиги сабабли ўсимлик қолдиқлари купинча анаэроб шароитда парчаланади ва натижада гумус кўпроқ тупланади. Чимли қатламда гумус миқдори 5-7% гача бўлиб растки қатламларда ксекин камаяди (0,5-0,7%). Шунга кура ялпи азот 0,15-0,45, ялпи фосфор 0,154-0,170% ни ташкил этади. Дехкончиликда бу тупроқлардан фойдаланишдан олдин зовурлар казилиб ерларни захини Кочириш лозим.

Ўтлоқ саз тупроқлар - Фарғона, Зарафшон водий ларида тоғ олди Қияликларда яхлит минтақани ҳосил қилиб тарқалган.

Бу тупроқлар Зарафшон ва Фарғона водийларидағи саз режимли гидроморф тупроқларда корбонатларнинг кўп тўпланиши билан ҳарактерлидир. Гидрокорбонатли сизот сувлари аста-секин ер бетига яқинлашиб чиқиши натижасида ва сув ҳароратини узгариши билан,

тупроқларда кальций-карбонат ва магний-карбонат тузлари купайиб, узига хос карбонатли шўрхоклар юзага келади.

Кальций-карбонатли тузлар тўпланганда 0,3-1,5м. чуқурликда оқиш-оҳакли конкретиялар ва қсментланган катти к «шух» деб аталадиган горизонт ҳосил бўлади.

Бу тупроқларни хосса-хусусиятларини проф. Д.М.Кугучков, Ж.К.Сайдов, П.Узоковлар ҳар томонлама урганиб, узига хос мелиорациясини ишлаб чикканлар. Қадимдан суғориб келаётган ўтлоқ- воха тупроқларни юқори горизонтларида гумус 1,16-1,50% , азот 0,08-0,15. гача бўлади.

Бу тупроқларни физик хоссалари Ўсимлик учун нокулайдир, Шунинг учун агромелиоратив тадбирлар олиб бориш зарур. Тупроқларда шўр ювиш ва бошқауму май гидроморф тунроклардан қишлоқ хўжалигида оқилона фойдаланиш учун пахта-дон-беда алмашлаб экиш, ерларни чуқур хайдаш, агромелиоратив тадбирлардан зовур, коллекторларнқ ишларини, уз вактида тозалаб туриш, зах сувларни кочириш, сизот сувлар окиб чикиб туриши лозим, Ўсимликни усиш даврида суғориш сувидан сунг, чуқур культивациялар олиб бориш ва бошқатадбирлар утказиш тавсия этилади.

Саволлар:

0. Чўл ва бўз тупроқлар зонасидаги гидроморф тупроқларни бир-биридан фарқларини баён қилиб беринг?
1. Оч тусли бўз тупроқларни гидроморф тупроқлар шароитига утиши туғрисида нималар сабаб, шу туғрисида гапириб беринг.

### **3.ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТЛАРИ КУРСИ**

#### **ЛАБОРАТОРИЯДА ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИ.**

**«Тупроқ кимёси» фанидан амалий ишларни бошлашдан аввал талабадан техника хавфсизлиги қоидалари билан танишиб чиқиши ва бу ҳақда махсус дафтарчага имзо чекиши, ҳамда қуийдаги лабораторияда ишлаш қоидаларига қатъий риоя қилиши талаб этилади.**

- 1. Лабораторияда ҳар бир талаба – тажрибани ўзи учун белгиланган иш ўрнида, оқ халат кийган ҳолда бажариши лозим.**
- 2. Лабораторияда сув ичиш ва овқатланиш мумкин эмас.**
- 3. Тажриба бошланишидан аввал талаба ишнинг моҳиятини билиши, асбоб ва реактивларни тайёрлаши, сўнгра ўқитувчи ёки катта лаборант иштирокида ишни бошлаши лозим.**
- 4. Захарли моддалар билан бажариладиган тажрибалар факат мўрили шкафда бажарилиши керак.**
- 5. Лабораторияда полга, жиҳозларга реактив ва эритмаларни тўкиш мумкин эмас.**
- 6. Лабораторияда электр асбобларини ишлатишда эҳтиёткорлик билан ишлаш, очик линия ва электр мосламаларга тегиши мумкин эмас.**
- 7. Электр асбоблар ерга уланиши ва мустаҳкам ўрнатилган бўлиши шарт.**
- 8. Реактивларни қўлга, терига ва юзга текизманг, заарли таъсир этади.**
- 9. Концентрланган кислота ва ишқор ишлатишда, албатта, резинали қўлқоп ва махсус кўзойнақдан фойдаланиш керак.**
- 10. Концентрланган кислоталарни бир идишдан бошқа идишга қўйишда ёки бирор моддага аралаштиришда жуда секин ва эҳтиётлик билан аралаштириб турган ҳолда қўйиш керак, акс ҳолда у қизиб кетиб, сачраб бирор ерни куйдириши мумкин.**
- 11. Бензин, эфир ва ацетон билан ишлашда алангадан узокда туриш шарт.**
- 12. Ёниб турган газ горелкаси ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг.**
- 13. Лабораторияда ишлаётган талабалар дорикути ва ўт ўчиргич асбоблари турадиган жойни билишлари керак.**

**14. Лабораторияда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қутичасида танин, калий перманганат, калий гидрокарбонат, йод, пахта, бинт, куйишга қарши малҳам дорилар бўлиши лозим.**

**15. Иш тугагач, иш жойини тартибга келтиришни, сув жўмрагини беркитишни, газ ва электр асбобларини ўчиришни унумтманг!**

**ТУПРОҚНИ ТАҲЛИЛГА ТАЙЁРЛАШ. ТУПРОҚНИНГ ГИГРОСКОПИК НАМЛИГИНИ АНИҚЛАШ.**

Машғулотдан мақсад тупроқнинг хоссаларини ўрганишдан аввал, уни таҳлил қилиш учун тайёрлаб олинади. Тупроқни таҳлилга тайёрлаш муҳим бўлиб, уни тайёрлаш ҳам ўзига хос вазифаларни ўз ичига олади.

Керакли асбоб ва реактивлар Чинни ховонча, тешиклари 1 мм ва 0,25 мм бўлган махсус элакчалар, тупроқни ёйиш учун брезент ёки фанер таҳтача, линейка.

Иш тартиби. Тупроқнинг таркибий қисмини аниқлаш ва хоссаларини ўрганишдан олдин уни таҳлилга тайёрланади. Бунинг учун олинган тупроқ тоза қоғоз устига ёйиб қуритилади, ундаги йирик кесакчалар бармоқ билан эзиз майдаланади, сўнгра ундан 500 - 1000 грамм тортиб олиб, газ ва сув буғлари бўлмаган жойда (очиқ жойда қолдириш мумкин эмас) сақланади. Шу тартибда тайёрланган тупроқ намунаси яна икки – уч кун қуритилади, ундаги илдизчалар, ҳар хил қўшилмалар ажратиб олинади ва уларнинг оғирлиги алоҳида аниқланади. Тупроқ яхши қуриганидан кейин чинни ховончада ёғоч ёки резина қалпоқли чинни дастача ёрдамида эҳтиётлик билан туйилиб, кесакчалари майдаланади, бунда тупроқдаги механик заррачалар парчаланиб кетмаслиги керак. Сўнг ундан таҳлил учун тупроқ олинади.

Бунинг учун тупроқ брезент ёки фанер устига ёйилиб, ундаги тош, илдизчалар ва бошқалар ажратиб олинади, сўнгра йирик кесакчалар қўл билан майдаланади. Таҳлилга тупроқ намунасини олиш учун брезентдаги тупроқ яхшилаб аралаштирилади ва қўл ёки линейка билан бир текис қилиб яссиланади. Сўнгра у бир неча катакчаларга ажратилади. Бу катакчаларнинг ҳар биридан оз микдорда тортиб олиниб, уларнинг оғирлиги 300-600 граммга етказилади. Бу тайёрланган тупроқдан турли таҳлиллар учун ўртacha намуна олиниб, у махсус элаклардан ўтказилади (масалан, тупроқ чириндиси учун 0,25 мм ли, механик таҳлил учун 1 мм ли элакдан ўтказилади).

Эланган тупроқ намунаси оғзи яхши берк шиша банкачада ёки коробкада сақланади. Бундай сақланган тупроқнинг таркиби ва бошқа хусусиятлари ўзгармайди.


Ажратиб олинган механик зарралар, илдизчалар ва бошқа қўшилмаларнинг тупроққа нисбатан процент миқдори пропорция йўли билан топилади. Масалан, таҳлил учун олинган 1000 грамм (100%) тупроқда 15 г механик зарра, 5 г илдиз ва 1г қўшилма бўлганда

$$\frac{15 * 100}{1000} = 1,5\%; \frac{5 * 100}{1000} = 0,5\%; \frac{1 * 100}{100} = 0,1\%.$$

**Эслатма:** Тупроқ таркибидаги нитрат бирикмалари ва аммиак миқдори аниқланмоқчи бўлса, тупроқ намунасини бир қисмини дала шароитида пичоқ билан шиша идишга солиб, устига бир томчи толуол томизилади. Шишаннинг қопқоги ёпилиб, музлатгичда мақланади. Тупроқ қуритилса, ундаги аммиакнинг бир қисми газ ҳолида ажralиб чиқиши, қолган қисми эса оксидланиб нитратга айланиши мумкин. Структураси аниқланмоқчи бўлган тупроқ намунасининг донадорлиги бузилмаслиги учун у майдаланмай таҳлил қилинади.

Савол ва топшириқлар:

1. Тупроқ географияси фанини ўрганиш қандай аҳамиятга эга?
2. Ўзбекистонда қандай тупроқлар тарқалган?
3. Тупроқ таснифи ва диагностикасига тушунча беринг?



15-расм.  
Бюкс.

Машғулотдан мақса

д: тупроқнинг гигроскопик нам миқдорини аниқлаш. Табиий шароитда юқорида айтилганидек, мутлақо қуруқ тупроқ бўлмаслиги маълум. Ҳўл ёки нам тупроқ лабораторияга келтирилиб, сояда ва қуёшда узоқ вақт қуритилса ҳам унда маълум миқдорда нам сақланади. Механик таркиби, структураси, чириндininг миқдори ва муҳит шароитига караб тупроқдаги заррачалар юзасига синган гигроскопик намнинг миқдори ўзгариб туради.

**Керакли асбоблар ва реактивлар:** шиша бюкслар, эксикатор.

**Ишлиш тартиби.** Гигроскопик нам аниқланмоқчи бўлган майдалангандан қуруқ тупроқдан 3-4 грамм 1 мли элакдан ўтказилган намуна оғзи ёпиладиган оғирлиги маълум бўлган қуритгич стаканга солинади ва аналитик тарозида оғирлиги аниқланади. Сўнгра стакан (қопқоги очилган ҳолда) термостатга қўйилиб,  $105-110^{\circ}\text{C}$  да 6 соат қуритилади. Сўнгра қуий қисмига калий хлорнинг ( $\text{CaCl}_2$ ) тўйинган эритмаси ва тузи солинган

эксикаторда совутилиб, аналитик тарозида тортилади. Қуритиш, совутиш ва ўлчаш ишлари ўзгармас микдор ҳосил бўлгунча такрорланади.

Қуруқ тупроқдаги гигроскопик сувнинг фоиз микдори қўйидаги формула билан ҳисобланади ва жадвал тузилади:

$$\%X = \frac{(a - b) * 100}{H}$$

X – гигроскопик сувнинг фоиз микдори,

a – стаканнинг қуритилмаган тупроқ билан бирга оғирлиги (г ҳисобида),

b – стаканнинг қуритилган тупроқ билан бирга оғирлиги (г ҳисобида),

H – тупроқнинг оғирлиги (г ҳисобида).

Масалан, a – 25,33г, b – 25,23 г, H – 4 г бўлса, тупроқдаги гигроскопик намлик микдори 2,5% га teng.

$$X = \frac{(25,33 - 25,23) * 100}{4} \frac{0,10 * 100}{4} = 2,5\%$$

Гигроскопик намликни аниқлаш тупроқнинг бир қанча физик хоссаларини ўрганиш, айникса кимёвий тахлиллар натижасини аниқ ҳисоблашга ёрдам беради.

Гигроскопик намлик коэффиценти (K) ни аниқлаш гигроскопик намлик фоизи маълум бўлганидан кейин қўйидаги формула билан аниқланади.

$$K = \frac{100 + a}{100}$$

K – тупроқнинг гигроскопик намлик коэффиценти, 100 – фоизга айлантириш коэффиценти, a – гигроскопик намлик (фоиз ҳисобида).

Масалан, гигроскопик намлик a – 2,5 бўлганда:

Бу гигроскопик намлик коэффициенти намликнинг қуруқ тупроқقا бўлган фоизини аниқлашда керак бўлади.

**Тупроқнинг максимал гигроскопик намлигини аниқлаш.** Олдиндан қуритилган ва тарозида тортиб қўйилган стаканчага 1 мм ли элакчадан ўтказилган тупроқдан 10 г солинади. Стаканча (қопқоги очилган ҳолда) эксикаторга қўйилади, эксикаторнинг тагига калий сульфат ( $K_2SO_4$ ) нинг тўйинган эритмасидан солинади ва эксикатор яхшилаб беркитилиб ( $t^o$  бир хилда сақланадиган) қоронги жойда қолдирилади. 3-4 кундан сўнг

стаканчани эксикатордан олиб (қопқоги ёпилган ҳолда) тупроқ билан биргаликдаги массаси аниқланади ва яна эксикаторга (қопқоги очилған ҳолда) қўйилади. Кейинги массаси 2-3 кун ўтгандан сўнг (бир неча марта), ўзгармас оғирликка келгунга қадар ҳамда доимий массаси сақлангунга қадар  $105\text{-}110^{\circ}\text{C}$  да термостатда қуритилиб, тупроқ максимал намлигининг фоизи юқоридаги гигроскопик намлик каби аниқланади.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Тупроқнинг гигроскопик намлигини билишнинг аҳамияти нимада?
2. Максимал гигроскопиклик деганда нимани тушунасиз?
3.  $\text{CaCl}_2$  нинг тўйинган эритмаси эксикаторга нима учун солинади?

### **ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА СУВЛИ СЎРИМ ТАҲЛИЛИНИ ЎТКАЗИШ, ТУПРОҚНИНГ ШЎРЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ, ТУРИНИ АНИҚЛАШ.**

**М а шғ у л о т д а н м а қ с а д.** Шўрланган тупроқларни лаборатория шароитида текширишнинг асосий усусларидан бири сувли сўрим таҳлилидир. Сувли сўрим таҳлилига доир маълумотлардан одатда турли тупроқлардаги сувда эрийдиган моддалар миқдори ва таркибиға қиёсий таъриф бериш ҳамда тупроқнинг шўрланиш даражасини аниқлаш учун фойдаланилади.

Сувда эрийдиган тузлардан тупроқларда энг кўп учрайдиганлари кальций, магний, натрий ва калий сульфатлар, хлоридлар ва бикарбонатларидир.

Сувли сўрим усули тупроқни сув билан аралаштириб қисқа муддатли ишлов бериш ва сўнгра бу суюқликни фильтрлашдан иборат. Сузиб ўтказилган суюқлик-сўрим эса навбатдаги текширувлардан ўтказилади.

Тупроқقا сув билан ишлов берилганда сувда эрийдиган бирикмалар сўримга ўтади. Сувли сўрим таркибидан одатда қуруқ қолдиқ, умумий ишқориийлик, нормал карбонатлар ва бикарбонатлар таъсиридаги ишқориийлик  $\text{Cl}^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{Mg}^{2+}$ ,  $\text{K}^+$ ,  $\text{Na}^+$  ни, сувда эрийдиган гумус миқдорини аниқлаш қабул қилинган. Айрим холларда нитратлар, нитритлар, баъзи оксидлар ва бошқа бирикмалар ҳам аниқланади.

Тупроқдаги сувда эрийдиган моддаларнинг миқдори ва таркибини аниқлашда сувли сўримнинг қисқартирилган ёки тўлиқ, таҳлили қўлланилади.

**К е р а к л и а с б о б в а р е а к т и в л а р :** лакмус қофози, хроматнинг 10% ли эритмаси, сульфат кислотанинг 10%ли ва  $1/20$ ,  $1/100$

н эритмаси, аммоний хлороднинг 10% ли эритмаси, натрий гидрофосфатнинг 10% ли эритмаси, кумуш нитратнинг  $\frac{1}{20}$  н эритмаси, ўювчи натрийнинг  $\frac{1}{20}$  н эритмаси, аммоний оксалатнинг тўйинган эритмаси, амиак эритмаси, сирка кислота, нитрат кислота, спирт, бензидин хлорид эритмаси, фенолфталеин, метилоранж, буфер эритма, магний тузи эритмаси, трилон Б эритмаси ва хлорид кислотанинг 1:1 эритмаси. Шиша, идиш, воронка, химиявий стакан (хар хил хажмли), чинни пиёлача, қалин ва оддий фильтр қофоз, пипетка (хар хил), термостат, сувли буғлатгич, эксикатор, аналитик тарози, электр плита, соат ойнаси, пробирка, шиша таёқча ва кулсизлантирилган фильтр.

**Иш та р т и б и:** Кўзларининг ўлчами 1 мм бўлган элақдан ўтказилган хавода қуритилган тупроқдан техник-кимёвий тарозида 50 г тортиб олинади. Олинган намуна 500 мл сифимли конуссимон колбага солинада ва унинг устига тупроққа нисбатан беш марта кўп (250 мл) миқдорда дистилланган сув қуйилади.

Колбадаги тупроқ ва сув 5 минут давомида аралаштирилиб турилади, сўнгра бу аралашма буқланган бурма қалин (зич) фильтр қофозидан ўтказилиб, колбадаги барча тупроқ фильтр устида қолдирилади. Фильтрлаш учун 12-15 см диаметрли воронка ишлатилади. Фильтрланган суюқликнинг дастлабки лойқа бўлиб тушган қисми яна қайта фильтрдан ўтказилади. Фильтрлаш вақтида сўримнинг фильтрланиш тезлиги, ранги ва тиниқлиги ёзиб борилади.

Фильтрлаш тугагач, сўрим буғланмаслиги ва ифлосланмаслиги учун бошқа бир колбага солинади ва колбанинг олди беркитилади.

**Қуруқ қолдиқни аниқлаш.** Тупроқ таркибидаги сувда эрийдиган минерал ва органик бирикмаларнинг умумий миқдори қуруқ қолдиқ дейилади. Қуруқ қолдиқ натижаси асосида тупроқнинг умумий шўрланиш даражаси аниқланади ва сувли сўрим таҳлили натижаси текширилади. Қуруқ қолдиқ сувли сўримнинг бир қисмida чинни идиш (пиёлачада)да буғлатиш йўли билан аниқланади.

**Иш та р т и б и :** Сувли сўримдан 20-25 мл олиб, қуритилган ва оғирлиги маълум бўлган чинни пиёлачага солинади. Сўнгра пиёлача сувли буғлатгич устида суви тамоман қуригунча қиздирилади. Пиёлача қуруқ қолдиқ билан термостатда 105 даражада иссиқда қуритилади ва эксикаторда совутилади.

Қуруқ қолдиқли пиёлачанинг оғирлиги аналитик тарозида аниқлангандан кейин, қуруқ қолдиқнинг фоиз миқдори қўйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$X = \frac{(a - e) \cdot E \cdot 100 \cdot K}{M \cdot H}$$

Х-қуруқ қолдиқнинг фоиз миқдори,  
а-қуруқ қолдиқли пиёлачанинг оғирлиги (г ҳисобида)  
в-пиёлачанинг оғирлиги (г ҳисобида),  
Е-сўримнинг умумий ҳажми (мл ҳисобида)  
М-буғлатиш учун олинган сувли сўримнинг ҳажми (мл ҳисобида)  
Н-тупроқ оғирлиги (г ҳисобида)

**Ишқорийликни аниқлаши.** Марказий Осиёнинг текислик қисмидаги ва суғориладиган ерлардаги тупроқларнинг деярли хаммаси ишқорли бўлади. Тупроқнинг ишқорлилик хоссаси асосан карбонатлар (масалан,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ) ва бикарбонатлар (масалан,  $\text{NaHCO}_3$ ) таъсирида вужудга келади. Бундан ташқари, тупроқ реакциясини ишқорий бўлишига сингдирувчи комплексдаги натрий хам сабаб бўлади. Шунинг учун тупроқнинг ишқорийлиги ҳар хил бўлади.

**Нормал карбонатлар таъсиридаги ишқорийликни аниқлаши.** Бу хилдаги ишқорийликни аниқлаш учун олинган сўримга бир-икки томчи фенолфталеин томизиб, сульфат кислота билан титрланади ва сарф этилган кислота миқдорига қараб тупроқдаги нормал карбонатлар таъсирида вужудга келган ишқорийлик даражаси аниқланади.

**И ш т а р т и б и .** Иккита кимёвий стаканча олиб, ҳар бирига 25 мл дан сўрим солинади. Стаканчанинг бирига 1-2 томчи фенолфталеин томизилади. Сўримда нормал карбонатлар бўлса, эритманинг ранги қизғишпушти тусга киради. Сўнгра ранги бутунлай йўқолгунча эритма 0,01 н сульфат кислота билан титрланади, (титрлаш иккинчи стаканчадаги сўрим ранги билан солишириб олиб борилади).

Натижа қўйидагича ҳисбланади.

$$X = \frac{ax^2 \cdot Nx \cdot E \cdot 100 \cdot K}{M \cdot H}$$

Х- нормал карбонатлар таъсиридаги ишқорийлик (% ҳисобида)  
а- титрлашга кетган 0,01 н сульфат кислота (мл ҳисобида)  
2- титрлаш вақтида карбонатлар бикарбонатга ўтиши билан пушти

ранг йўқола бошлайди, шунинг учун сарф бўлган сульфат кислота иккига кўпайтирилади.

N- 1 мл 0,01 нормал сульфат кислота тўғри келган  $\text{CO}_3^{2-}$  -(0,0003)

Е- сўримнинг умумий хажми (мл ҳисобида)  
М -титрлашга олинган сўрим хажми (мл ҳисобида)  
Н- тупроқ оғирлиги (г ҳисобида)

### ***Умумий ишқорийликни аниқлаш.***

**И ш т а р т и б и** Нормал карбонатлар таъсирида вужудга келган ишқорийлик аниқлангандан кейин ўша стаканчага 1-2 томчи метилоранж томизилади. Ва ранги оч пушти бўлгунча сульфат кислотанинг 0,01 нормал эритмаси билан титрланади:

$$X = (a+b) \cdot \frac{N \cdot E \cdot 100 \cdot K}{M \cdot H}$$

Х- умумий ишқорийлик (% ҳисобида)  
а- титрлашга кетган 1/100 нормал сульфат кислота (мл ҳисобида)  
в- иккинчи марта титрлашга кетган 1/100 нормал сульфат кислота.  
N- 1 мл 0,01 нормал сульфат кислота тўғри келган  $\text{CO}_3$  (0,00061)  
Е-сўримнинг умумий хажми (мл ҳисобида)  
М -титрлашга олинган сўрим хажми (мл ҳисобида)  
Н- тупроқ оғирлиги (г ҳисобида)

**Хлор ионини аниқлаш.** Шўр тупроқларда хлор иони натрий хлорид, магний хлорид ва кальций хлорид тузлари шаклида учрайди. Булардан тупроқда, айниқса, натрий хлорид кўпроқ учрайди. Натрий хлориднинг озгина микдори хам ўсимлик учун заарлидир. Шунинг учун хлор иони биринчи навбатда аниқланиши керак. Хлор ионининг микдори турли методлар билан аниқланади. Булардан хажмий усул осон ва қулай ҳисобланади. Бу усул таҳлил учун олинган сўримга индикатор сифатида калий хромат қўшиб, кумуш нитрат билан титрлашга асосланган.

**И ш т а р т и б и .** Иккита кимёвий стаканча олиб, хар бирига 10-20 мл дан сўрим солинади. Сўрим кислотали ёки ишқорий бўлса (лакмус қоғоз билан аниқланади), хар икки стакандаги эритма нейтралланади ва устига индикатор сифатида калий хромат нинг 10 % ли эритмасидан 1 мл дан қўйилади..

Бир стакандаги эритма таққослаш учун қолдирилади. Йккинчи стакандаги эритма оч қизғиш рангга киргунча кумуш нитратнинг 1/10 нормал эритмаси билан титрланади.

Натижа қўйидаги формула бўйича хисобланади

$$X = \frac{a \cdot N \cdot E \cdot 100 \cdot K}{M \cdot H}$$

X- хлор ионининг миқдори (% ҳисобида)

A- титрлашга кетган кумуш нитратнинг 0,01 н эритмаси (мл ҳисобида)

K- 1 мл кумуш нитратнинг 0,1 нормал эритмаси чўқтирилган хлор иони миқдори, г ҳисобида (0,00035)

M -титрлашга олинган сўрим ҳажми (мл ҳисобида)

E- сўримнинг умумий ҳажми (мл ҳисобида)

H- тупроқ оғирлиги (г ҳисобида)

**Сульфат кислотани аниқлаши.** Тупроқ таркибидаги сульфат кислота асосан магний сульфат, натрий сульфат (глаубер тузи) ва кальций сульфат (гипс) тузлари шаклида бўлади. Магний сульфат ва натрий сульфат сувда осон эрийди, улар ўсимлик учун заарлидир. Кальций сульфат эса сувда секин эрийди.

Сульфат кислотанинг миқдори ҳажмий ёки оғирлик усули билан аниқланади. Ҳажмий усул жуда осон ва қулай. Бу метод сўримдаги сульфат кислотани бензидин хлорид эритмаси билан чўқтиришга асосланган.

**Иштаратиби.** Кимёвий стаканга 10-20 мл сўрим олиниб, устига 10-15 мл бензидин хлорид эритмаси қўйилади. 30-40 минут ўтгандан кейин стакандаги тиник эритма устига яна 1-2 томчи бензидин хлорид эритмасини томизиб қўриш билан сульфат кислотанинг тўлиқ чўкканлиги аниқланиб, чўкма кичик фильтр қофозда сузиб олинади.

Воронкадаги фильтрда тўпланган чўкма дистилланган-совук сув билан ювилади.(Воронкадан тушаётган сув тиник бўлиши керак). Ювиш воронкадан тушаётган охирги томчи кўк лакмус қофозни қизартирмайдиган бўлгунча давом эттирилади. Ювилган чўкма фильтр билан бирга кичик кимёвий стаканга солинади. Устига 40-50 мл дистилланган сув қўйилади, сўнгра у қиздириб эритилади.

Стакандаги эритмага 2-3 томчи фенолфталеин томизиб чайқатилади ва эритма оч пушти рангга киргунча ўювчи 'натрий (NaOH) нинг 1/20 нормал эритмаси билан титрланади. Сўнгра хосил бўлган эритма қайнатилади, бунда ранги ўчса, титрлаш ўзгармас оч пушти ранг пайдо бўлгунча давом эттирилади.

Анализ натижаси қўйидаги формула бўйича аниқланади.

$$x = \frac{axNxEx100}{MxH}$$

х-сульфаи кислотанинг фоиз миқдори,  
 а-титрлашга кетган 1/20 нормал ўювчи натрий (мл ҳисобида),  
 N-1 мл ўювчи натрийнинг 1/20 нормал эритмаси чўктирган  
 сульфат кислота миқдори, г ҳисобида, (0,0024),  
 Е- сўримнинг умумий ҳажми (мл ҳисобида),  
 М-анализ учун олинган сўрим ҳажми (мл ҳисобида),  
 Н-тупроқ оғирлиги (г ҳисобида),  
 Масалан, 20-мл, Н-50 г бўлса, тупроқ таркибида 0,6: сульфат  
 кислота бўлади.

$$x = \frac{10x0,0024x250x100}{20x50} = 0,6$$

**Кальцийни трилонли метод билан аниқлаш.** Трилон Б (этилендиаминтетрасирка кислотанинг натрийли тузи) кўпинча икки ва уч валентли катионлар билан сувда эрийдиган комплекс бирикмалар ҳосил қиласи. Бу метод билан аниқлашда кальций иони билан кўшилганда ранг берувчи Мурексид индикатори ишлатилади.

**Ишлаш тартиби.** Кальцийнинг кўп-озлигига қараб сувли сўримдан (пипетка билан) 25—60 мл олиб, 250 мл ли конуссимон колбага солинади. Колбадаги суюқликнинг устига дистилланган сув қўшиб, ҳажми 100 мл га етказилади. Колбадаги суюқлик устига бир бўлак конго қофоз ташлаб, кўк бинафша тусга киргунча 1:1 нисбатли хлорид кислотадан (HCl) томизилади.

Колбадаги муҳит кислотали бўлгандан сўнг устига ўювчи натрий (NaOH) нинг 2 нормал эритмасидан 5 мл қўйилади. Колбадаги суюқликни бир оз чайқатиб, устига 3-5 томчи Мурексид индикаторидан томизилади (Мурексид кристалл ҳолда бўлса, жуда озгина қўшилади). Сўнгра тезликда трилон Б эритмаси (кальций кўп бўлса, 0,05 нормал трилон Б, оз бўлса 0,01 нормал трилон Б) билан суюқлик қизғиш рангдан бинафша тусга ўтгунга қадар титрланади.

Калцийнинг фоиз миқдори трилон Б нинг кетган миқдорига қараб тубандаги формула билан аниқланади.

$$x = \frac{axCxEx100}{MxH}$$

х- кальцийнинг фоиз миқдори,  
 а – титрлашга кетган (0,05 ёки 0,01 нормал) трилон Б мл ҳисобида,  
 С- 1 мл 0,05 нормал трилон Б, 0,001 г кальцийни ёки 0,01 нормал  
 трилон Б 0,0002 г кальцийни чўктирилганлигини билдиради,

Е-сувли сўримнинг умумий ҳажми, мл ҳисобида,  
 100 – фоизга айлантириш коэффициенти,  
 М - таҳлил учун олинган сувли сўримнинг ҳажми мл ҳисобида,  
 Н – тупроқнинг оғирлиги, грамм ҳисобида,  
 Масалан, а-8 мл, С-0,001 (0,0002) г, Е-250 мл, М-20 мл, Н-50 г  
 бўлса, тупроқдаги кальцийнинг миқдори 0,1% га teng бўлади.

$$x = \frac{4 \times 0,001 \times 250 \times 100}{20 \times 50} = 0,1$$

Сувли сўримда аниқланган ионларнинг % миқдори мг/га ўтказиш учун қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

### X=ax1000

X- тупроқнинг 100 г мг/эквиваленти  
 а-сувли сўрим аниқланган анион ва катионларнинг фоизи..  
 в-эквивалент оғирлиги

Тупроқдаги натрий ва калий йифиндисини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш.

Бу элементларни аниқлаш учун анионларнинг миллиграмм эквивалент йифиндисидан ( $\text{HCO}_3$ , Cl,  $\text{SO}_4$ ) катионларнинг мг/экв йифиндиси айрилади, келиб чиқсан сон  $\text{Na}^+$  га teng бўлган г/эквивалентни билдиради.

Сувли сўрим таҳлилининг натижаси ва якунига қараб тупроқнинг шўрланиш даражаси аниқланади.

Шўрланиш типини ҳисобга олган ҳолда тупроқ шўрланганлик даражасини аниқлашнинг мукаммаллаштирилган классификацияси.

Шўрланиш даражаси	Сульфатли	Хлорид- сульфатли		Сульфат- хлоридли		хлори дли
	куруқ қолдиқ	куруқ қолдиқ	Cl	куруқ қолдиқ	Cl	
Шўрланмаган	<0,3	<0,1	<0,01	<0,1	<0,01	<0,01
Кучсиз шўрланган	0,3-1,0	0,1-0,3	0,01- 0,05	0,1-0,3	0,01- 0,04	0,01- 0,03
Ўртacha шўрланган	1,0-2,0	0,3-1,0	0,05- 0,2	0,3-0,6	0,04- 0,2	0,05- 0,1

Кучли шўрланган	2,0-3,0	1,0-2,0	0,2-0,3	0,6-1,0	0,2-0,3	0,1-0,2
Жуда кучли шўрланган	>3,0	>2,0	>0,3	>1,0	>0,3	>0,2

### ***Савол ва топшириқлар:***


1. Шўрланган тупроқлар қаерларда тарқалган?
2. Шўрланган тупроқлар таркибида қандай тузлар учрайди?
3. Тупроқларнинг шўрланишини келтириб чиқарувчи сабаблар?
4. Шўрланиш даражаси бўйича тупроқларнинг қандай классификацияларини биласиз?

**ТУПРОҚ ТАРКИБИДАГИ  
ГУМУСНИ И.В.ТЮРИН  
УСУЛИДА АНИҚЛАШ.**

Г



23- расм. Конуссимон.



24- расм. Эритмани титрлаш учун ишлатиладиган бюрет.

Машғулотдан мақсад. Тупроқ гумуси органик бирикма бўлгани сабабли, уни тупроқдан ажратиб олиш анча мураккаб.

Тупроқ гумусининг умумий микдорини турли усуллар (Густавсон, Кноп, Робинзон, ва Тюрин усуллари) билан аниқлаш мумкин. Булардан академик И.В.Тюрин ишлаб чиқсан ҳажмий

усул ишлаш учун осон ва қулай.

Тупроқ гумусининг умумий микдорини И.В.Тюрин усулида аниқлашда. Гумус таркибидаги углерод ( $C$ )ни хромат ангидрид эритмаси билан оксидлаш ва ортиб қолган хромат ангидридни ( $CrO_3$ ) Мор тузи ( $FeSO_4 \cdot (NH_4)_2SO_4 \cdot H_2O$ ) эритмаси билан титрлашга асосланган

Керакли реактив ва асобблар: 0,4 н хромат ангидрид эритмаси, фенилантранил индикатори, 0,2 н Мор тузи эритмаси, дистилланган сув, пинцет, аналитик тарози, чинни ховонча, элакча, шиша банкача, конуссимон колба, бюретка, кичик воронка ёки соат ойнаси, ювгич, шиша таёқча.

И ш л а ш т а р т и б и. Таҳлил учун тайёрланган тупроқдан аналитик тарозида 0,1-0,5 гр ўлчаб олиб (оз чириндили тупроқдан кўпроқ, кўп чириндили тупроқдан эса озроқ олинади), ҳажми 100 мл бўлган конуссимон колбага солинади. Колбадаги тупроққа 0,4 н хромат ангидрид эритмасидан штативга ўрнатилган бюretка ёрдамида 10 мл қўйиб яхшилаb чайқатилади. Колбанинг оғзини кичик воронка ёки ойна билан ёпиб, колба 5 минут секин қайнатилади.

Колба совутилгандан кейин унга 30-50 мл чамаси сув қўйилади ва индикатор сифатида фенилантранил ёки дифениламин эритмасидан 3-4 томчи томизиб, шиша таёқча билан секин аралаштирилади. Колбадаги эритма тўқ кўк тусга киргач, хира яшил рангга ўтгунча 0,2 н Мор тузи ( $\text{Fe SO}_4\text{-(NH)}_2\text{SO}_4\cdot 6\text{H}_2\text{O}$ ) эритмаси билан титрланади

Мор тузи билан 0,4 н калий бихромат ўртасида қўйидагича реакция боради



Титрлашга сарфланган Мор тузи эритмасининг ҳажми аниқланади. Таҳлил натижаси, яъни тупроқдаги гумуснинг умумий миқдори қўйидаги формула билан ҳисобланади ва жадвали тузилади.

$$x = \frac{(a - b)xN \times 100 \times K}{H}$$

$x$  – тупроқдаги чиринди миқдори (% ҳисобида),

$a$  – 10 мл соф 0,4 хромат ангидридни титрлашга кетган 0,2 н Мор тузи эритмаси,

$b$  – гумусни аниқлаш учун титрлашга кетган 0,2 н Мор тузи,

$N$  – 1 мл Мор тузига тўғри келган гр ҳисобидаги гумус 0,0010362,

$H$  – таҳлилга олинган тупроқ оғирлиги, гр

$K$  – қуруқ тупроққа айлантириш коэффициенти.

Масалан:  $a$  – 22,5 мл,  $b$  – 10,5 мл,  $N$  – 0,0010362 гр,  $H$  – 0,5 гр  $K$  – 1,02 бўлса,

тупроқдаги	гумус	миқдори	2,53%
			га

тeng.

$$x = \frac{(22,5 - 10,5) \times 0,0010362 \times 100 \times 1,02}{0,5} = 2,53\%$$

## Тупроқ гумусини аниқлашнинг таҳлил натижалари

Тартиб №	Тупроқ намунаси	Катлам чукурлиги (см)	Тупроқ массаси, гр хисобида	0,4 н хромат ангирид мл хисобида	,2 Мор тузи , мл хисобида	1 мл Мор тузидан гумус, гр хисобида	K	Гумуснинг микдори, %
20	0-20	0,5	22,5	10,5	0,0010362	1,02	2,53	

**Савол ва топшириқлар:**

1. Гумус деганда қандай модда тушунилади?
2. Тупроқ гумусини аниқлашнинг яна қандай усуллари бор?
3. Гумус таркибида углерод неча фоизни ташкил этади?

**ТУПРОҚ ГУМУСИННИГ СИФАТ ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ  
(М.М.КОНОНОВА ВА Н.П.БЕЛЬЧИКОВА УСУЛИДА)**

Машғулотдан мақсад. Мазкур тупроқ гумусининг сифат таркибини аниқлаш услуби М.М.Кононова ва Н.П.Бельчикова томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу услуб ёрдамида минерал тупроқларнинг турли тип ва типчаларини ўрганиш мумкин. Услуб ёрдамида гумус моддаларининг 3 та асосий гурухлари ажратиб олинади: гумин кислоталар, фульво кислоталар ва парчаланмайдиган қолдиқ микдори гумин. Гумус моддалари бу усулда ишқор ва пирофосфат натрий аралашмаси ёрдамида ажратиб олинади. Пирофосфат натрий билан ишлашнинг қулайлиги бунда органик моддаларни ажратишда бошқа услубларга нисбатан вақтдан тежалади.

**Керакли асбоб ва реактивлар:**

250 ملي конуссимон колба, резина қопқоқ, 15-17 смли фильтр қоғоз, кимёвий стаканлар, пипетка, махсус ювгич, воронка, ўлчов колбаси, NaOH, Na<sub>4</sub>P<sub>2</sub>O<sub>7</sub>·10 H<sub>2</sub>O, 0,05 н H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>.

**Иштариби:** 1 мл ли элақдан ўтказилган тупроқ намунасидан 5 гр олиб, 250 мл ли конуссимон колбага солинади, унга 100 мл янги тайёрланган натрий пирофосфат билан NaOH аралашмаси солинади (1 мл эритмада 44,6 гр Na<sub>4</sub>P<sub>2</sub>O<sub>7</sub>·10 H<sub>2</sub>O ва 4гр NaOH) Бу эритмада натрий пирофосфат эритмаси 0,1 M, Na OH – 0,1 н, аралашма pH 13 атрофида бўлади.

Колбанинг оғзини резина қопқоқ билан зичлаб ёпилади ва 16 соатга қўйиб қўйилади. Сўнгра тупроқ билан эритма яхшилаб аралаштириб,

диаметри 15-17 смли фильтр қоғоз орқали фильтрланади. Фильтр қоғоз қуруқ бўлиши керак. Агар эритма фильтрланганда хирароқ бўлса, уни қайта то тиниқ эритма ўтмагунча фильтрлаш лозим.

**Углерод миқдорини аниқлаши.** Бунинг учун сўримдан 10-15 мл олиб 100 мл ли конуссимон колбага солинади ва уни нейтрлаш учун 1 н  $H_2SO_4$  эритмасидан бир томондан эритмада енгил чўкма ҳосил бўлгунича томизилади. Кейин органик углерод миқдорини И.В.Тюрин усулида аниқланади ва қўйидаги формула билан ҳисобланади.

$$\%C = \frac{(a - e) \cdot K_m \cdot 0,0003 \cdot 100}{P}$$

а – 10 мл хром ангидридни титрлаш учун сарф бўлган 0,1 н Мор тузи эритмаси. (тупроқсиз эритма).

в – гумус моддасини оксидлаш учун хром ангидридни титрлашга кетган 0,1 н Мор тузи эритмаси миқдори (мл да).

$K_m$  – Мор тузи эритмаси титри учун тузатма:

0,0003 – 0,1 н Мор тузи эритмасини қўллагандан 1 г углеродни ҳисоблаш коэффициенти.

P – углеродни аниқлаш учун олинган тупроқ массаси.

**Гумин кислота углероди миқдорини аниқлаши.** Сўримдан пипетка орқали 40-50 мл олиб кимёвий стаканга солинади. Гумин кислоталарни коагуляциялаш учун 0,2-0,5 мл  $H_2SO_4$  ни (зичлиги 1,84 бўлган) эритмадан чўкма ҳосил бўлгунча солиб, шиша таёқча билан аралаштирилади. Уни этернит плиткага қўйиб 30 дақиқа қайнатилади. Сўнгра уни плиткадан олиб, гумин кислоталар гели тўлиқ чўккунича 12 соатга қолдирилади. Эртаси куни сўримни кўк лентали, диаметри 7 смли фильтр орқали ўтказилади. Бунда аввал стакандаги эритманинг суюқ қисми, кейин гель қисми ўтказилади. Фильтр бир неча марта совуқ 0,05 н  $H_2SO_4$  эритмаси билан рангиз фильтрат ҳосил бўлгунича ювилади, чунки дастлаб фульвокислота таъсирида фильтрат ранги сарғиш бўлади.

Колбадаги кислотали эритма ювилиш сувлари билан тўкиб ташланади. Воронка билан фильтрни 25-100 мл ли ўлчов колбасига қўйиб, иссиқ 0,05 н  $NaOH$  эритмаси билан эритилади.

Гумин кислотасининг 0,05  $H_2SO_4$  билан чўқтирилган чўкмасини, 0,05  $NaOH$  билан эритиши учун, маҳсус ювгич ёрдамида, аста-секин ипсимон килиб тушириш зарур.

$NaOH$  эритмаси даставвал кичик-кичик қисмлар билан чўқтирилган стаканга солинади, бу билан стакан деворларидаги чўкма ювилади ва

фильтрга ўтказилади. Ўлчов колбасидаги натрий гумати хона ҳароратигача совутилади ва дистилланган сув билан колба чизигига етказилади.

Гумин кислота углеродини аниқлаш учун 10-20 мл эритмани пипетка ёрдамида тортиб олинади ва колбага солинади. Қолган ишлар сўримда умумий углерод микдорини аниқлаш бўйича олиб борилади ва қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\%C = \frac{(a - \varepsilon) \cdot K_m \cdot 0,0003 \cdot 100}{P \% C}$$

а – 10 мл хром ангидридни титрлаш учун сарф бўлган 0,1 н Мор тузи эритмаси. (тупроқсиз эритма).

в – гумус моддасини оксидлаш учун хром ангидридни титрлашга кетган 0,1 н Мор тузи эритмаси микдори, (мл).

$K_m$  – Мор тузи эритмаси титри учун тузатма:

0,0003 – 0,1 н Мор тузи эритмасини қўллагандан 1 г углеродни ҳисоблаш коэффициенти.

P – углеродни аниқлаш учун олинган тупроқ массаси.

### **Фульво кислоталар углероди микдорини аниқлаш.**

Фульво кислоталар углероди углероднинг умумий микдори ва гумин кислоталар углероди микдори орасидаги тафовут билан аниқланади.

$$C \%_{\phi_k} \kappa \% C_{ym} - \% C_{tk}.$$

**Гуминларни аниқлаш.** Тупроқ таркибидаги гумин микдори тупроқдаги органик углерод микдори билан сўримдаги углерод микдори орасидан айирма орқали топилади.

$$\% C_{humin} \kappa C_I - C_{II}$$

C - тупроқ қолдиғида гумин микдори % ҳисобида.

$C_I$  - тупроқдаги органик углерод % ҳисобида.

$C_{II}$  - сўримдаги умумий углерод % ҳисобида.

**Эслатма:** Тупроқ гумусининг сифат таркибини аниқлаш услубларини ўрганиш муҳимдир. Шу боис, ҳам сизга гумусининг гурухий таркибини аниқлаш бўйича йўлланма берилди.

Гумусининг гурухий, фракциявий таркиби, унинг - физик кимёвий хоссаларига доир услублардан яна бири «Тупроқ гумусининг гурухий – фракциявий таркибини И.В.Тюрин схемасига мувофиқ В.В.Пономарёва ва Т.А.Плотникова модификацияси» бўйича аниқлаш мумкин.

### ***Савол ва топшириқлар:***

1. Гумус моддалари деганда нимани тушунасиз?

2. Тупроқ гумусининг таркиби қайси усулларда ўрганилади ва уни ўрганишнинг аҳамияти нимада?
3. Бўз тупроқлар гумуси таркибидаги қислота устун? Гумин нима?

Тупроқ хоссаларини ўрганишда керак бўладиган энг муҳим  
реактивлар ва уларни тайёрлаш.

Тупроқ таркибидаги ҳар хил моддаларни аниқлаш вақтида ўқув лабораторияларида процентли ва титрловчи (нормал) реактивлар ҳамда индикаторлардан фойдаланилади. Кўпчилик реактивлар қаттиқ (туз), суюқ (спирт, эфир) ва газ (аммиак, водород, хлорид) ҳолдаги бирикмалардан тайёрланади.

Процентли реактивлар моддаларнинг оғирлик ёки ҳажмига мувофиқ равишда тайёрланиб, улар тупроқ таркибидаги номаълум моддани чўқтиришда, чўкмани ювишда, реакциянинг кислотали ва ишқорийлик даражасини аниқлашда ишлатилади.

Титрловчи (нормал) реактивлар маълум ҳажмдаги суюқликда бўлган модданинг миқдорини аниқлашда ишлатилади. Ҳар қандай 1 г эквивалент модданинг 1 л сувдаги эритмаси титрловчи (нормал) эритма дейилади.

Процент ва титрловчи реактивлар дистилланган сув билан тайёрланади. Керакли индикаторлар эса реакциянинг ишқорийлик ва кислотали ҳолатга ўтишида ишлатилади. Энг муҳим реактив ва индикаторлар қўйидагича тайёрланади.

Аммоний гидрооксид ( $\text{NH}_4\text{OH}$ )нинг 10% ли эритмасини тайёрлаш учун солиширига оғирлиги 0,95 бўлган аммоний гидрооксиддан 100 мл олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади. Унинг 2,5 % ли эритмасини тайёрлаш учун эса 10 % ли аммоний гидрооксиддан 100 мл олиб, 200 мл дистилланган сувда эритилади.

Аммоний оксалат ( $(\text{NH}_4)_2\text{C}_2\text{O}_4$ )нинг 4% ли эритмасини тайёрлаш учун аммоний оксалат тузидан 40 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади. Унинг 10 % ли эритмасини тайёрлаш учун эса аммоний оксалат тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Аммоний хлорид ( $\text{NH}_4\text{Cl}$ )нинг 10% ли эритмасини тайёрлаш учун аммоний хлорид тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Барий хлорид ( $\text{BaCl}_2$ )нинг 10% ли эритмасини тайёрлаш учун барий хлорид тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Буфер эритмасини тайёрлаш учун 20 г тоза аммоний хлорид ( $\text{NH}_4\text{Cl}$ ) олиб, 500 мл дистилланган сувда эритилади ва устига 100 мл 25% ли аммиак қўйилади ҳамда дистилланган сув қўшиш билан ҳажми 1 л га етказилади.

Калий нитрат ( $\text{KNO}_3$ )нинг 1/10 нормал эритмасини тайёрлаш учун калий нитрат тузидан 10,1 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Калий перманганат ( $\text{KMnO}_4$ )нинг 1/20 нормал эритмасини тайёрлаш учун калий перманганат тузидан 1, 58 г олиб, 1л дистилланган сувда эритилади.

Калий хлорид ( $\text{KCl}$ )нинг 7,5% ли эритмасини тайёрлаш учун калий хлорид тузидан 75 г олиб, 1 г дистилланган сувда эритилади.

Калий хромат ( $\text{K}_2\text{CrO}_4$ )нинг 7,5% ли эритмасини тайёрлаш учун калий хромат тузидан 75 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади

Калий хроматнинг 10 % ли эритмасини тайёрлаш учун калий хромат тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Кальций сульфат ( $\text{CaSO}_4$ )нинг 10 % ли эритмасини тайёрлаш учун кальций сульфат тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Кумуш нитрат ( $\text{AgNO}_3$ )нинг 5 % ли эритмасини тайёрлаш учун кумуш нитрат тузидан 50 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Кумуш нитратнинг 1/10 нормал эритмасини тайёрлаш учун кумуш нитратдан 17 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Кумуш нитратнинг 1/100 нормал эритмасини тайёрлаш учун кумуш нитрат тузидан 1,7 г ёки унинг 1/10 нормал эритмасидан 100 мл олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади. 1/1000 нормал эритмасини тайёрлаш учун эса кумуш нитрат эритмасидан 100 мл олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Магний тузи эритмасини тайёрлаш учун 1,2325 г магний сульфат ( $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ ) олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Мор тузи- темир (II) аммоний сульфат ( $\text{FeSO}_4(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ )нинг 1/20 нормал эритмасини тайёрлаш учун мор тузидан 80 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади ва солиштирма оғирлиги 1,84 бўлган сульфат кислотадан 20 мл олиб фильтр қоғоз орқали ўтказиб, эритма устига қуйилади.

Нитрат кислота ( $\text{HNO}_3$ )нинг 10 % ли эритмасини тайёрлаш учун солиштирма оғирлиги 1,060 бўлган нитрат кислотадан 115 мл олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Нитрат гидрофосфат ( $\text{Na}_2\text{HPO}_4$ )нинг 10% ли эритмасини тайёрлаш учун натрий гидрофосфат тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Натрий карбонат ( $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ )нинг 10% ли эритмасини тайёрлаш учун натрий карбонат тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Натрий оксалат ( $\text{Na}_2\text{C}_2\text{O}_4$ )нинг 10% ли эритмасини тайёрлаш учун натрий оксалат тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Натрий фосфат ( $\text{Na}_3\text{PO}_4$ )нинг 10% ли эритмасини тайёрлаш учун натрий фосфат тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Натрий хлорид ( $\text{NaCl}$ )нинг 10% ли эритмасини тайёрлаш учун натрий хлорид тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади. Унинг нормал эритмасини тайёрлаш учун натрий хлорид тузидан 58,46 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Натрий хлориднинг 1/10 нормал эритмасини тайёрлаш учун унинг нормал эритмасидан 100 мл, 1/100 нормал эритмасини тайёрлаш учун 1/10 нормал эритмасидан 100 мл, 1/1000 нормал эритмасини тайёрлаш учун эса 1/100 нормал эритмасидан 100 мл олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Сирка кислота ( $\text{CH}_3\text{COOH}$ )нинг 10 % ли эритмасини тайёрлаш учун солишишима оғирлиги 1,05 бўлган сирка кислотадан 100 мл олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Сода ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ )нинг 10% ли эритмасини тайёрлаш учун нормал сода тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Сульфат кислота ( $\text{H}_2\text{SO}_4$ )нинг 10% ли эритмасини тайёрлаш учун солишишима оғирлиги 1,07 бўлган сульфат кислотадан 60,7 мл олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Сульфат кислотанинг 5% ли эритмасини тайёрлаш учун солишишима оғирлиги 1,07 бўлган сульфат кислотадан 60,7 мл олиб, 2 л дистилланган сувда эритилади ёки 10% ли сульфат кислотадан 500 мл олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Сульфат кислотанинг 1 % ли эритмасини тайёрлаш учун 10 % ли сульфат кислотадан 100 мл олиб, 1 л дистилланган сувда ёки 5 ли сульфат кислотадан 100 мл олиб, 500 мл дистилланган сувда эритилади.

Сульфат кислотанинг  $^{1/100}$  нормал эритмасини тайёрлаш учун солишишима оғирлиги 1,02 бўлган сульфат кислотадан 0,31 мл олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Темир (III) – хлорид ( $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ )нинг 10 % ли эритмасини тайёрлаш учун темир (III) – хлорид тузидан 100 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Трилон Б нинг 0,01 нормал эритмасини тайёрлаш учун трилон Б дан 1,86 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади ва 0,05 нормал эритмасини тайёрлашда эса 9,3 г трилон 1 л дистилланган сувда эритилади.

Хлорид кислота ( $\text{HCl}$ )нинг 10 % ли эритмасини тайёрлаш учун солишишима оғирлиги 1,05 бўлган хлорид кислотадан 100 мл олиб, 1 л га етгунча устига дистилланган сув қуйилади.

Хлорид кислотанинг  $1/_{10}$  нормал эритмасини тайёрлаш учун солишишима оғирлиги 1,07 бўлган хлорид кислотадан 8,2 мл олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Хлорид кислотанинг  $1/_{100}$  нормал эритмасини тайёрлаш учун эса  $1/_{10}$  нормал хлорид кислотадан 100 мл олиб, стига 1 л га етгунча дистилланган сув қўйилади.

Хлорид кислотанинг  $1/_{100}$  нормал эритмасидан 100 мл олиб, 100 мл дистилланган сувда эритилади.

Хлорид кислотанинг 1:1 нисбатдаги эритмасини тайёрлаш учун 100 мл кучли хлорид ( $\text{HCl}$ ) кислота устига 100 мл дистилланган сув қўйилади.

Хром ангидрид ( $\text{CrO}_4$ )нинг 0,4 нормал эритмасини тайёрлаш учун хром лксидидан (кристалидан) 32 г олинади ва 1 л дистилланган сувда эритиб, 2 л ли цилиндрга солинади. Сўнгра цилиндрдаги эритма устига солишишима оғирлиги 1,84 бўлган сульфат кислотадан аста қўйиб, цилиндр тўлатилади. Эритма совигандан сўнг ишлатилади.

Ўювчи натрий ( $\text{NaOH}$ )нинг 1 % ли эритмасини тайёрлаш учун ўювчи натрий тузидан 10 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Ўювчи натрийнинг  $1/_{10}$  нормал эритмасини тайёрлаш учун  $1/_{10}$  нормал ўювчи натрий эритмасидан 100 мл олиб, устига 1 л га етгунча дистилланган сув қўйилади.

Ўювчи натрийнинг  $1/_{200}$  нормал эритмасини тайёрлаш учун  $1/_{100}$  нормал ўювчи натрий эритмасидан 50 мл олиб, 1 л га етгунча устига дистилланган сув қўйилади.

Индикаторлар ва уларни тайёрлаш

Дифениламин ( $\text{C}_{12}\text{H}_{11}\text{N}$ )ни тайёрлаш учун дифениламиндан 0,5 г олиб, 100 мл дистилланган сувда эритилади.

Қизил ва кўк лакмус қоғозлар (тайёр индикатор).

Метилоранж ( $\text{C}_{14}\text{H}_{14}\text{O}_3\text{N}_3\text{SNa}$ ) тайёрлаш учун метилоранждан 0,05 г олиб, 100 мл дистилланган сувда ёки 0,5 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади.

Қора хромоген ЕМ – 00 – буни тайёрлаш учун 0,5 г қлоа хромоген, олиниб, у аммиакли буфер эритмасида эритилади ва устига этил спирт қўшиш билан ҳажми 100 мл га етказилади. Бу эритмани 10 кунгача ишлатиш мумкин.

Молибден суюқлиги ( $(\text{NH}_4)_2\text{MoO}_4$ ) ни тайёрлаш учун молибдендан 150 г олиб, 1 л дистилланган сувда эритилади. Эритмага солишишима оғирлиги 1,2 бўлган нитрат кислота ( $\text{HNO}_3$ )дан 1 л қўйилади. Тайёрланган эритмани

икки кундан сўнг ишлатиш мумкин (уни қора ёки қўнғир рангли шиша идишда сақлаш керак).

Мурексид эритмасини тайёрлаш учун 0,03 г мурексид 10 мл дистилланган сувда эритилади. Эритма қоронғи жойда сақланади, уни 4 кунгача ишлатиш мумкин.

Рангли суюқлик тайёрлаш. Оддий сиёҳ эритмасидан 100 мл олиб, 1 л тиник оддий сувга аралаштирилади.

Спирт (96<sup>0</sup>).

Универсал индикаторни тайёрлаш учун 1 литрли цилиндр олиб, унга 0,2 г қизил метил, 0,4 г кўк бромтетол ва 0,8 г фенолфталеин солинади. Буларни эритиши учун цилиндрнинг устки чизиғига қадар тоза спирт қуйилади. Бу индикатор реакциянинг (рН нинг) 4 дан 10,5 гача бўлган даражасини кўрсатади.

Фенолфталеин (C<sub>20</sub>H<sub>14</sub>O)ни тайёрлаш учун фенолфталеин тузидан 1 г олиб, 100 мл 96<sup>0</sup> ли тоза спиртда эритилади.

## 5.Глоссарий

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Ерлардан барқарор бошқаришни баҳолаш бўйича халқаро тамойилларни</b>	<p>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни сақлаш ва ошириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хавф хатарларни камайтириш; табиий ресурсларни химоя қилиш, тупроқ ва сув сифати деградациясини олдини олиш; ерларни барқарор бошқариш иқтисодий жиҳатдан самарали (жизнеспособный) бўлиши даркор; ерларни барқарор бошқариш ижтимоий жиҳатдан қониқарли бўлиши лозим.</p>	<p>The evaluation of the sustainable management of lands tamoyillarni- the production of agricultural products , and ; agricultural production to reduce risk ; protection of natural resources , prevention of soil and water quality degradation ; sustainable land management , economic theoretical efficiency ( jiznesposobnyy ) should be ; sustainable land management should be socially satisfactory .</p>
<b>Ерлардан барқарор бошқаришни аниқлашда қўлланиладиган муҳим омиллари</b>	<p>Тупроқдаги органик модда миқдори; тупроқ структураси; тупроқ агрегатларининг бардошлиги; тупроқдаги карбон ва азотнинг минерализацияси.</p>	<p>The definition of sustainable land management in critical omillari- the amount of organic matter in the soil ; the structure of the soil ; Tolerance of soil aggregates ; soil carbon and nitrogen mineralization .</p>
<b>Тупроқни муҳофазаловчи ва ресурс тежамкор агротехнологиянинг</b>	<p>Тупроқقا минимал ишлов бериш, ўсимлик қолдиқларини қолдириш, алмашлаб</p>	<p>Protection and resource-saving agricultural principles and minimum tillage , crop rotation ,</p>

<b>тамойиллари</b>	экиш.	crop residues .
<b>Органик дехқончилик юритишдаги ўғитлар</b>	Гүнг, компост, ўсимлик қолдиқлари, фосфорит	Organic cultivation think fertilizers , manure , compost , crop residues , phosphate
<b>Органик дехқончилик юритишни тупроқ агрегатларига тасири</b>	Агрегатлар йириклишади	Impact on the organic cultivation of soil aggregates proceedings yiriklashadi units
<b>Ўсимлик илдиз ва ағиз қолдиқлари тупроқ агрегатларининг ҳолати</b>	Агрегатлар йириклишади	The location of the remains of the Network in the plant root and soil aggregates yiriklashadi units
<b>Органик дехқончилик</b>	Табиий органик ва минерал ўғит етишириш хисобига тупроқ унумдорлигини ошириш ва сифатли ҳосил етишириш.	The organic cultivation of natural , organic and mineral fertilizers to grow crops to improve soil fertility and quality at the expense of dressing .
<b>Тупроқни муҳофазаловчи ва ресурс тежовчи агротехнологиядан фойдаланилганда тупароқдаги фосфор</b>	Фосфорни ўсимлик томонидан тупроқдан ўзлаштирадиган миқдори ортади	Soil protection and resource - saving agricultural use tuparoqdagifosfor- increase the amount of phosphorus in the soil by the plant Tradable
<b>Аниқ ўғит кўллаш</b>	Хар бир дала холатидан келиб чиқсан холатда ўғитлаш	The precise application of fertilizer and fertilizing each individual state of origin of the case
<b>SPAD-502-</b>	Азотли ўғитлар меъёрига тузатиш киритиш прибор	SPAD - 502 - nitrogenous fertilizers normal correction equipment

<b>EC-метр</b>	Тупроқ шүрланишини тезкор аниқлаш прибор	The EU - meters of soil salinity rapid detection equipment
<b>Үғитлашда рангли диаграмма</b>	Азотли үғитларга бўлган талабини аниқлаш	Fertilize the color chart to determine the demand for nitrogen fertilizers
<b>ArcGIS</b>	Хаританома тузища ГАТ асосида компьютер дастуридан фойдаланиш.	ArcGIS Xaritanoma creating a computer program based on GIS .
<b>Аниқ қишлоқ хўжалик юритишнинг таркибий қисми</b>	Минерал ва органик үғитларни кўллаш; бегона ўтларга қарши кураш; зааркунандаларга карши кураш; экин парваришини аниқ бошкариш; сугоришни аниқ бошкариш.	In the final part of the agricultural activity and plenty of mineral and organic fertilizers ; The fight against weeds ; The fight against pests ; crop care management ; irrigation management
<b>Green Seeker прибор</b>	Ердан устки кўк биомасса миқдорини аниқлаш.	Green Earth Seeker uskunasi- the top to determine the amount of green biomass

## 6. ТУПРОҚ КИМЁСИ ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

Тупроққа таъриф беринг	*Турли табиий омиллар таъсирида ҳосил бўлган ернинг устки унумдор ғовак қатлами	Ернинг устки қатламига тупроқ дейилади	Тоғ жинсларини майдаланишига тупроқ дейилади	Ўсимликлар таъсирида емирилган тоғ жинсларига тупроқ дейилади
------------------------	---	--	--	---

Ўзбек тилида тупроқ кимёси китобини ким ёзган?	Мўминов Т	Глинка А	*Йўлдашов Г, Абдурахманов Т	Круглова Д, Захаров В
Суғориладиган тупроқлар морфологиясин инг асосий белгиси	*Агроирригаци он қатламлар	Тузли қатлам	Корбонатли қатлам	Сувли қатлам
Автоморф тупроқларда сизот сувлари чуқурлиги	*5 м. дан чуқурликда	1-2 м.	2-4 м.	0,5 м.
Типик бўз тупроқлар қайси жойларда кўп тарқалган?	Орол бўйларида	Биринчи терассаларда	*Тоғ олди лалми жойларда	Дашт зонасида
Эрозия турлари	А,В,С,Д	*Шамол, жарланиш ва сув эрозияси	Макро ва микро	Макро, мезо ва микро
Ўзбекистон тупроқларида энг кўп тарқалган касаллик	*Эрозия, шўрланиш	Тақирланиш	Сульфатланиш	Колматаж
Гумусли қатламни Д да учратиш мумкинми?	*Мумкин эмас	гумус 1 % дан кам былади	Бундай қатлам йўқ	10 % гача учрайди
Генетик қатламларда G харфи нимани англатади?	*Глейланган қатламни	Тузли қатламни	Корбонатларга бойлигини	Аккумулятивқа тламни

Гумус ҳосил бўлиши тезлигига таъсир қилувчи омиллар	Ташқи омиллар	Антропоген омиллар	Минералогик таркиби	*Ўсимлик қолдиги миқдорига, кимёвий таркибига, намлигига, тупроқ реакциясига, минерал ва механик таркибга
Гумин кислотанинг хосса хусусиятлари	*Азот сақлайдиган юқори молекуляр кислота, сувда кам эрийдиган, асосан ишқорларда эрийди	Оқ рангдаги юмшо= моддалар	Кул элементларин и 50-60 % гача сақлайдиган моддалар	Са ва Mg ли тузларга бой моддалар
Биринчи фульва кислотани қайси олим ажратиб олган?	*Швед олим С.Оден	Россияда Роде	Ўзбекистонда Зайниддинов	Польшалик Ева Витсма
Фульва кислота қайси сўздан олинган	Русча фульва-қора сўзидан	Ўзбекча фулви-тўқ= сиёхрангдан	*Лотинча-сарик	Немисч-тўйинган
Нима сабабдан фульва кислоталар тупроқ кесмасини пастки қатламларида кўп учрайди?	Минералларга бой бўлгани учун	*Сувда осон эриганлиги ва харакатчанлиг и учун	Ўзида азотли моддаларни кўп тўплаганлиги учун	Таркибида С бўлмаганлиги учун

ГК : ФК нимани англатади?	Қанча гумус борлигини	Чириндини хисоблашни	*Гумус ҳосил бўлиш шароити ва тупроқ хоссаларини кўрсатади	Гумусни қайси қатламда учрашини
Гумусли холатни белгилашда қайси шкаладан фойдаланилади ?	Андронов	*Гришина Орлов	Орлов Димо	Беспалов Беседин
$X = ((a - b) \cdot f \cdot 0,0006 \cdot 100 / H) \cdot K$ қандай формула?	Гигроскопик намликни аниқлаш формуласи	*Чиринди таркибидаги углеродни аниқлаш формуласи	Факторни аниқлаш формуласи	Олинган намунани қанчалигини аниқлаш формуласи
$X = ((a - b) \cdot f \cdot 0,00010362 \cdot 100 / H) \cdot K$ қандай формула?	*Чириндини аниқлаш формуласи	Намунани ўлчаш формуласи	Гигроскопик намликни аниқлаш формуласи	Фторни аниқлаш формуласи
Лотинча «гумус» сўзи нимани англатади?	Намликни	*Ер, тупроқ деганни	қора тупроқни	Кимёвий элементларни
Чиринди – ўсимлик ва хайвон қолдиқларини чириши натижасида ҳосил бўлган органик модда эканини ким аниқлаган?	Кононова Бенчикова	*Ломоносов	Орлов	Виноградов

Эритмада кислоталик қандай бўлади?	Кучли	Кучсиз	Ўртача	*Актуал ва потенциал
Индикатор нима?	*Эритма рангини ўзгариши ёки чўкма тушиши билан кимёвий реакция тугаганлигини кўрсатувчи модда	Чыкмага тушувчи моддалар кырсатади	Тупроқни буферлигини кўрсатади	Тупроқ индексини кўрсатади
Тупроқни минерал таркиби	*Бирламчи ва иккиламчи минераллар	Тузлар	Гидроксид лар	Органик моддалар
Тупроқ фазалари	Газ фаза	Биологик органик фаза	*Газ, қаттиқ, суюқ, биологик фаза	Тирик организмлар фазаси
Тупроқда нечта фаза бор?	1 та	2 та	*4 та	5 та
pH нима?	*Мущит	Баландлик	Кимёвий бирикма	Ўлчов бирлиги
pH қачон нейтрал бўлади?	*7	7-14	1-5	6-10
pH қачон кислотали бўлади?	7	7-14	*1-5	6-10
pH қачон ишқорий бўлади?	1-7	0-3	*8-14	3-5
Тупроқ тоғ жинсидан нимаси билан фарқ қиласди?	Ташқи тузилиши билан	*Унумдор-Лиги билан	Кислотали-лиги билан	Ранги билан

Шўр тупроқларда чиринди қайси усул билан аниқланади?	Робинзон	Тюрин	Кононова	*Кноп
Инсон тупроқда қандай таъсир кўрсатади?	Ноқулай	Таъсир кўрсатмайди	*Онгли ва онгсиз	Вақт давомида
Чириндини аниқлашнинг классик услуби	Ковда	*Тюрин	Кононова	Ҳаракатчан
Чиринди кислоталари қайсалар?	Кучли кислоталар	*Гумин, фульва, ульмин кислоталари	Альдегид ва органик бирикмалар	Сирка кислотаси
Тупроқ ранги асосан нималарга боғлик?	Мелкозом-лигига	Механик таркибига	*Минераллар таркибидаги кимёвий элементларга	Ўсимлик турига
Агар тупроқда $\text{SiO}_2$ кўп бўлса ранги қандай бўлади?	*Оқ	Қора	Жигарранг	Кулранг
Агар тупроқда Fe кўп бўлса ранги қандай бўлади?	Қора	*Жигарранг	Сариқ	Оқ
Тупроқ таркибида ишқорий ер металлар кўп бўлса мухит қандай бўлади?	Кислотали	Кучли	*Ишқорий	Кучсиз

Тупроқни кимёвий мелиорация қилиш	Тоғ жинсларини емирилиши	Суғориш нормасини белгилаш	Тупроқ ҳавосини яхшилаш	*Тупроқларга охак, гипс солиши
Тупроқдаги микроэлементлар арга нималар киради?	Pb, Mn, C	Mg, Cl, Ca	*Cu, Zn, Mo, B, Co	S, Ca, Fe
Макроэлементлар арга нималар киради?	Радиактив элементлар	*Mg, Ca, ишқорий ер металлар	Hg, Zn, U	Mo, Ba, Su
Чириндидини асосан қайси кимёвий элементлар ташкил этади?	O, F, Ca, Mg	Mg, Mn, Fe	B, Br, Cu, Zn	*C, O, N, H
Тупроқ эритмасини ўрганиш усуллари	*Сувли сўрим, пресс сиқиб чиқариш усули	Механик таркиби орқали	Чўктириш орқали	Оксидлаш-қайтарилиш реакциялари орқали
Сувли сўрим қандай тайёрланади?	Пипеткалар ёрдамида	Бюреткалар ёрдамида	*Дистилланган сув ёрдамида	Спирт ёрдамида
Сингдириш турлари неча хил бўлади?	2	3	4	*5
Сингдириш турлари	Гигроскопик, атмосферадан	*Механик, кимёвий, биологик, физиковий, физик-кимёвий	Кимёвий, мажбурий	Биологик, кимёвий, эркин
Физик кимёвий сингдириш қандай?	*Физик-кимёвий ёки алмашинадиган сингдириш	Биологик сингдириш	Нейтрал сингдириш	Кислотали сингдириш

Сувли сўримда аниқланадиган катионлар	Ca, Mg, Cl	*Ca, Mg, Na, K	H, Cl, SO <sub>4</sub>	Na, K, Cl, S
Сувли сўримда аниқланадиган анионлар	HCl, CO <sub>3</sub> , Cl, SO <sub>4</sub>	*HCO <sub>3</sub> , Cl, SO <sub>4</sub>	H, Al, OH	OH, Cl, SO <sub>4</sub>
Cl <sup>-</sup> ни қандай чўкмага туширилади?	*AgNO <sub>3</sub> ёрдамида	H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> ёрдамида	NaOH ёрдамида	Na <sub>2</sub> CO <sub>3</sub> ёрдамида
Сингдириш сиҳими қандай ифодаланади?	килограммда	г/см <sup>3</sup> да	г/мм <sup>3</sup> да	*МГ/ЭКВ.да
pH-7 ёзилса мухит қандай бўлади?	*Мухит нейтрал	Ишқорий	Кучли кислотали	Кислотали
pH<7 былса мухит қандай бўлади?	*Кислотали мухит	Нейтрал мухит	Ишқорий мухит	Ўртacha мухит
pH>7 бўлса мухит қандай бўлади?	*Ишқорий	Кичик кислотали	Кислотали	Нейтрал
Подзол, ботқоқ тупроқларида асосан сингдириш сифимида қайси элементлар бўлади?	Ишқорий металлар	HCl, H, Fe	*H, Al	F, B, Zn
Тупроқ структуралари қайси элементлар кўп бўлганда яхши бўлади?	1 валентли элементлар	*2-3 валентли элементлар	Микроэлементлар	Радиактив элементлар
Тупроқда сув турлари неча хил бўлади?	4 хил	6 хил	5 хил	*7 хил

Тупроқда сув шакллари	*Кимёвий бириккан, ютилган сув, парланган сув	Қаттиқ, суюқ сув	Музлаган, парланган	Кимёвий бириккан, ютилган, капилляр, гравитацион, сизот, бұғсимон, қаттиқ сув
Гигроскопик сув қанча хароратда ажралади?	*6 соат $105^0$	4 соат $90^0$	2 соат $120^0$	4 соат $60^0$
Тупроқни сингдириш сифимини ўрганган олим	Кононова	Шмид	*Гедройц	Ломоносов
Тупроқда Mn қандай рангни беради?	*Қора	Қызил	Жигарранг	Сариқ ранг
Глейли қатлам қайси тупроқларда ҳосил бўлади?	Автоморф тупроқларда	Бўз тупроқларда	Жигарранг тупроқларда	*Гидроморф тупроқларда
Ўрмон тўшамаси қандай белгиланади?	$A_{xo}$	$A_x$	$A_q$	* $A_o$
Акумуллятив қатлам қайси харф билан белгиланади?	*A	C	D	E
Шўрланган тупроқларнинг стурктураси қандай бўлади?	Кубсимон	*Призмасимон	Маржонсимон	Донадор

Титр нима?	Фильтрнинг номи	*Эритмани 1 мм га тығыры келадиган модда ми=дори	Микроэлементлар түплами	Структура номи
Фильтрация нима?	*Тупроқдаги сувни пастга қараб харакати	Ютилиш	Парланиш	Сўликлар ўлчови
Фильтрат нима?	Кимёвий модда	*Фильтр орқали ытган суюқлик	Тупроқ қаттиқ қисми	Музлаган сув
Тупроқ кимёси фани нимани ўрганади?	Тупроқни кимёвий таркиби	Тупроқда кечаётган кимёвий жараёнларни	Кимёвий сингдиришларни	*Тупроқни минерал ва органик қисми таркиби, тузилиши, кимёвий хоссаларини, тупроқни ҳосил бўлиши, ўзгариши, унумдорлиги, тадқиқотларни нг кимёвий усулларини ўрганади
Тупроқларда «шох» нимани билдиради?	Дарахтлар шохини	Тупроқларни ривожланишини	*Таркибida 50-60% CaCO <sub>3</sub> ва MgCO <sub>3</sub> тутган қатлам	Чириндишларни
Экскремент нима?	*Ҳайвон фаолияти маҳсули	Тадқиқот ўтказиш	Эксикатордаги кимёвий модда	Цементлашган тупроқ намунаси
Тупроқ пептизацияси	Заррачаларни йириклишиши	*Заррачаларни майдаланиши	Заррачаларни бирикиши	Тупроқни намланиши

Тупроқ коугуляцияси	Тупроқни ювилиши	Тупроқни намланиши	Майда-ланиши	*Майда заррача-ларни бирлашиши
Кислота ва бошқа суюқликни солишишима оғирлигини ўлчайдиган асбоб	*Ареометр	Барометр	Плотнометр	Эклиметр
Тупроқ генезиси	*Тупроқларни келиб чиқиши, ҳосил бўлиши ва ривожланиши	Тупроқ она жинси	Тупроқни ҳосил қиласидиган омил	Тупроқ типии
Тупроқда кимёвий унсурларнинг ялпи қисми нима?	Ўртача	Ҳаракатчан	*Умумий	Кўпайиб кетган
Тупроқда харакатчан модда дегенда нимани тушунасиз?	*Ўсимлик ўзлаштирадига н форма	Газ холидаги форма	Учиб кетувчи	Емирилиши осон бўлган моддалар
Иккиламчи минералларга кўпинча қайси қўшимча қўшилади?	-НИНГ	-да	-дан	*-ИТ
Оргоноген тупроқларда минерал қисми неча фоиз бўлади?	*1-10 %	30-40 %	30-70 %	90 %
$\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ бу қандай минерал?	Охак бирламчи минерал	Оддий минерал	*Гипс иккиламчи минерал	Бикорбонат бирламчи минерал

Чириндини аниқлаш нимага асосланган?	Углеродни парчалашга	Кислота билан кучдиришга	*Углеродни оксидлашга ва қолганини Мор тузи билан титрлашга	Углеродни Мор тузи билан титрлашга
Фенилантронил нимани аниқлашда ишлатилади?	N ни аниқлашда	*C ни аниқлашда	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ни аниқлашда	K ни аниқлашда
Чиринди күп бўлса тупроқ ранги қандай бўлади?	Сарик	Кизил	*Қорамтири	Кўкимтири
Тоғ жинслари келиб чиқишига кўра неча хил бўлади?	4 хил	8 хил	11 хил	*3 хил
Тоғ жинслари келиб чиқишига кўра...	Оддий тоғ жинси	*Магматик, метоморфик, чўкинди тоғ жинси	Отқинди	Алювий, делювий, пролювий, элювий
Тупроқ кимёсими асосий йыналишлари нечта?	*4 та	3 та	5 та	7 та
Тупроқ кимёсими биринчи йўналиши	Чириндини ўрганиш	*Тупроқни кимёвий элементлар фазавий таркиби (тупроқ массаси кимёси)	Озиқ элементларини тарқалиши	Коллоид заррачаларни миграцияси

Тупроқ кимёсими иккинчи йўналиши	Тупроқларни элемент таркиби	Озиқ элементларни ҳосил бўлиши	Моддаларни миқдор анализи	*Тупроқ ҳосил қилувчи жараёнлар кимёси
Тупроқ кимёсими учинчи йўналиши	Тупроқ массаси кимёси	*Тупроқ унумдорлигин инг кимёвий асослари	Элементларни нг модда алмашинуви	Гумусни аниқлаш кимёси
Тупроқ кимёсими тўртинчи йўналиши	Тупроқ массаси кимёси	Тупроқ ҳосил қилувчи жараёнлар кимёси	*Тупроқ аналитик кимёси	Тупроқ фаза таркиби
Ишқорий металлар	*Li, Na, K, Rb	C, Ca, Mg	Au, Zn, Hg, Co	H, O, N
Гумусни аниқлашда термостатга неча минутга кўйилади?	10 минут	*20 минут	7 минут	5 минут
Гумусни аниқлашда термостатга неча градусга кўйилади?	105 <sup>0</sup>	*150 <sup>0</sup>	120 <sup>0</sup>	80 <sup>0</sup>
Чириндини аниқлашда термостат бўлмаса неча минут газда қайнатилади?	10 минут	*5 минут	20 минут	15 минут
Генетик қатламлар қандай бўлади?	*A, B, C, D	Оддий	Қатламли	A, B

Кам ривожланган тупроқларда генетик қатлам қандай белгиланади?	A, B, C, D	*A, C	A, E	B, C
Тупроқ хосил қилювчи омиллар нечта?	4 та	5 та	*6 та	3 та
Рельеф неча хил бўлади?	5 хил	*3 хил	2 хил	6 хил
Нейтраллаш нима?	*Эритманинг нордонлигини асос билан, асос хусусиятини кислота билан йўқотиш	Эритманинг чўкмага тушиши	Суюқликларни и ариометрда текшириш	Сувли сўримни фильтрлаш
Тупроқ нима?	Минерал	Тоғ жинси	*Ернинг устки қисми	Ернинг устки унумдор қатлами

## **7.ФАННИ УКИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

### **Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.**

Хозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборат технологияларини Ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиши, эътибор кундан –кунга кучайиб бормокда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга Ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига , мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларга ўргатади. Ўқитувчи бу жарёнда шахсни ривожланиши , шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик , йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида Ўқувчи –талаба асосий фигурага айланади.

Интерактив методлар-бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, янги педагогик таъсир этиш усуслари бўлиб таълим мазмунинг таркибий қисми хисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар факат педагог ва шкунчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуидагилар киради.

- Ўқувчи-талабанинг дарсфурӯшида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш
- Ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида билимга-бўлган қизиқишиларини доимий равища бўлишини таъминлаши
- Ўқувчи талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равища ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши
- Педагог ва ўқувчи-талабанинг ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштиради.

Педагог технологиялар масалалари , муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар , илмий-тадқиқотчилар . амалиётчилар фикрича. Педагог технология- бу фақат ахборат технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш

жараёнида қўлланиши зарур бўлган ТСО, компьютер ,масофали ўқиши, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи- бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага хамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлик деб хисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида , мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган хар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида хамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, хар иккиси ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи талабалар мустакил фикрлай олсалар. Ижодий ишлай олсалар, излансалар, тахлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига , гурухга, гурух эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиялари учун имконият ва шароит яратади олса, бизнинг фикримизча, ана шу , ўқитиш жараёнинг асоси хисобланади. Хар бир дарс , мавзу, ўқув предметининг ҳзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу якка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчи –талабанинг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда бир мақсадга йшналтирилган, олдиндан лойихалаштирилган ва кафолатланган натижага беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Ўқувчи томонидан хар бир дарсни яхлит холатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойихалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир. Чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу. Ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет. Фаннинг хусусиятидан, ўқувчи-талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тузилади.

Бундай технологик харитани тузиш осон эмас. Чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика.психология. хусусий методика.педагогик ва ахборат технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар . Усулларни билиши керак бўлади. Ҳар бир дарсни ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойихалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Биз куйида ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин булган баъзи биртренинглар(технологияларга) тавсифнома бериб, баъзиларини ўтказиш тартиби тўғрисида методик тавсиянома бериб ўтамиш.

**“Тармоқлар”** методи- ўқувчи- талабани мантиқий фикрлаш. Умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустакил равишида адабиётлардан фойдаланишини ўргатишга қаратилган.

**“3x4”** методи- талабаларнинг эркин фикрлаши, кенг доирада турли гояларни бера олиши, таълим жараёнида якка , кичик гурух ҳолда таҳлил этиб. Хулоса чикара олиши. таъриф бера олишига қаратилган

**“Блиц-Ўйин ”**методи-харакатлар кетмағ ketligini тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга , ўрганаётган предмети асосида кўп, хил мағхил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишга ўргатишга қаратилган .

**“Интервью”-** техникаси- ўқувчи –талаба савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш , саволни тўғри тузатишга қаратилган.

**“Иерархия”-** техникаси –оддийдан мураккабга .мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали уларни мантиқийтанқидий.ижодий фикрлашга қаратилган.

**“Бумеранг”** техникаси –талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташкарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўргатилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

**“Талаба”** тренинги –талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш ўқтувчи ва талаба ўртасидаги тўсикни йўқ килиш . хамкорликда –ишлаш йўлларини ўрнатиш га қаратилган.

**“Ўқитувчи шахси”-** тренинги –ўқтувчининг инновацион фаолиятини очиб берувчи “ўқитувчи шахси” қўйиладиган талаблар мавзусидаги мустақил фикрлашга . ижодий иншо ёзиш орқали фикрларни баён қилишга қаратилган.

**“Бошқарув”** техникаси –ўқтувчиларнинг аудитория бошқаришдаги усуллари ҳамда талабаларни иш жараёнида бошвариш усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган.

**“Мулокат ”** техникаси –ўқтувчиларни аудитория диккатини ўзига жалб этиш. Дарс жараёнида хамкорликда фаолият кўрсатишга уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

### **“Тармоқлар” методи ( Кластер)**

Фикрларнинг тармоқланиши- бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга талуқли тушунча ёки аниқ фикрини эркин ва очик равища кетмағкетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашига ўргатади.

Бу метод бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолияти ни жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши

ўзлаштириш, умумлаштириш, умумлаштириш хамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасавурларини чизма шаклида ифодалашга ундаёди. Қуйида биз, намуна сифатида мисол келтирдик.

### **“Бумеранг” техникаси.**

Мазкур технология бир машгулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит холатда ўрганиш, ижодий тушуниб этиш.эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли маъзмунли) эга бўлган мавзуларни Ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига олади хамда бир машгулот давомида хар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқтувчи ролида бўлиши, керакли баллни тўплашга имконият беради.

“Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантикий шакиллантиришга имконият яратади хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларни ривожлантиради.

Таълим билан бир қаторда мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради.

- жамоа билан ишлаш маҳорати.
- Муомилалик.
- Хушфеллик.
- Кўникувчанлик.
- Ўзгалар фикрига хурмат.
- Фаоллик.
- Рахбарлик сифатларини шакиллантириш.
- Ишга ижодий ёндашиш.
- Ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш.
- Ўзини холис баҳолаш.

### **Асосий тушунчалар қўйидагилар.**

Очиқ саволлар- бу саволлар муомила, сўзлашувини давом эттиришга имкон беради. Уларга қиска, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

Ёпиқ саволлар- бу саволлар олдиндан “ха” ёки “йўқ” типдаги тўғри, очиқ жавобларни беришни кўзда тутади.

Кўндаланг сўроқ- бир-бирига гурухлаб беришувчи қисқа саволлар қатори бўлиб, бу ўзига хос ахборатлар излаш хамда далилларни, оппонзитлар позициясини аниқлаш ва муайҷн қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

Кундаланг сурок пайтида мунозарага киритиш мумкин эмас. Бу вақтда факат саволлар берилади, мунозарага киришилмайди.

### **“Скарабей” технологияси**

“Скарабей” интерактив технологияси бўлиб, у ўқувчиларда фикрий боғликлек, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони хал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология ўқувчиларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу хақидаги тушунча ва тасаввурларни аниклаш имконини беради. У айни пайтда турли ғояларни ифодалаш хамда улар орасидаги бөгликлекни аниклашга имкон яратади.

“Скарабей” технологияси хар томонлама булиб, ундан ўқув материалини турли босқичларини Ўрганишда фойдаланилади.

- бошида- ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида (“ақлий хужум”)
- -мавзуни ўрганиш жараёнида –унинг моҳияти .тузилиши ва мазмунини белгилаш улар орасидаги асосий қисмлар . тушунчалар, алоқалар характерини аниклаш мавзуни янада чуқуррок ўрганиш. Янги жихатларни кўрсатиш.
- Охирида- олинган билимларни мустахкамлаш ва якунлаш мақсадида

“Скарабей” технологияси ўқувчилар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятининг фикрлаш билиш хусусиятларини инобатга олган холда ишлаб чиқилган. У ўқувчилар тажрибасидан фойдаланишини кўзда тутади, рефлексив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўtkазиш имкониятларига эга.

Мазкур технологиянинг фйрим афзалликлари сифатида идрок қилишини сингиллаштирувчи чизма шаклларидан фойдаланишини кўрсатиши мумкин.

“Скарабей” алоҳида ишларда кичик гурухларга хамда ўқув жамоаларида кулланилиши мумкин.

Таълим билан бир қаторда мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради.

- жамоа билан ишлаш маҳорати.
- Муомилалик.
- Хушфеллик.
- Кўникувчанлик.
- Ўзгалар фикрига хурмат.
- Фаоллик.

- Рахбарлик сифатларини шакллантириш.
- Ишга ижодий ёндашиш.
- Ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш.
- Ўзини холис баҳолаш.

Асосий тушунчалар қуидагилар.

Ассоциация- мантиқий бөлиб, сезгилар, тасаввурлар, идрок қилиш, ғоялар ва бошқалар орасида хосил қилинувчи мантиқий алоқадир. Ранжирлаш (муайян тартиб)- аҳамияти, муҳимлиги мазмун даражасига қараб тартиблаш.

### **“Веер” технологияси**

Бу технология мураккаб, кўқтармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бирйўла ахборат берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни мувоффақиятли ривожлантиришга ҳамда ғоялари, фикрларни ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имконият яратади.

## **ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

### **Тренинг хақида тушунча.**

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда, баҳсфунозаралар ўтказишда ёки ўқув- семинари якунида(тингловчиларнинг ўқув семинари хақидаги фикрларни билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим Ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин . чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиф ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчи талабаларни , ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этиш га, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Максад.

Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа холатда ифода этиб, тасдифловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ўтказиш технологияси.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади.

1- босқич.

- Тренер тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки мухокама этилиши керак бўлган муаммони ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади.
- Тренер ўқув машғулотида аввал хар бир тингловчи якка тартибда ишлиши. Кейин эса кичик гурухларга иш олиб борилиши ва нихоят дарс охирида жамоа бўлиб ишишини хақида тингловчи ларга маълумот беради.
- Машғлот давомида хар бир тингловчи ўз фикрини эркин холда тўлиқ баён этиши мумкин эканлигини эсалатиб ўтилади

2- босқич.

Хар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган қоғозлар тарқатилди.

Ф- фикрингизни баён этинг.

С-фикрингизнинг баёнига сабаб кўрсатинг.

М- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол(далил) келтириш.

У –фикрингизни умумлаштиринг.

Хар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қоғоздаги ФСМУнинг 4 босқичини ўз фикрларини ёза баён этган холда тўлатилди.

3-босқич.

-Хар бир тингловчи ўз қоғозларини тўплаб бўлгач, тренер уларни кичик гурухларга бўлинишларини илтимос қиласди. Ёки ўзи турди гурухларга бўлиш усувларидан фойдаланган холда тингловчиларни кичик гурухларга бўлиб юборади.

- тренер хар бир гурухга ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади.

- тренер хар бир гурухга хар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган холда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4- босқич.

Кичик гурухларга аввал хар бир тингловчи ўзи ёзган хар бир босқичдаги фикрлари билан гурух аъзоларини таништириб ўтади. Гурух аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач. Кичик гурух аъзолари уларни умумлаштиришга киришади.

Гурух аъзолари ФСМУ нинг 4 боқсич хар бири бўйича умумлаштириб, уни химоя қилишга тайёргарлик қўрадилар.

-Фикрлашни умумлаштириш вақтида хар бир тингловчи фикрларни химоя этиш, исботлаш мумкин.

5-босқич.

-кичик гурухлар умумлаштирилган фикрларни химоя киладилар гурух вакили хар бир босқични алохида ўқийди / иложи борича изоҳ бермаган холда . баъзи бўлимларни сиботлаши, яъни гурухнинг айнан нима учун фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6-босқич.

-тренер машғулотга якун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради.

- қўйидаги саволлар билан тингловчиларга мурожаат қиласди.

-ушбу тренинг ёрдамида нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз.

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара беради.

-ушбу технологияни қўлланилиши ўқувчи- талабаларда қандай хислатларни тарбиялайди., нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради.

-ушбу технологияларнинг ўқув жараёning қайси босқичида қўлланилгани мақул ва нима учун.

-ушбу технология ўқув жараёning қайси босқичида қўлланилгани мақул ва нима учун.

-ушбу технологиянинг дарс жараёнида қўлланилиши ўқувчи- талабаларда қандай тартибда ёки қандаё шаклда ўтказиш мумкин.

- ушбу тренингда тренернинг асосий вазифаси нимадан иборат.

Изоҳ юкорида келтирилган саволлар хар бир тренингнинг мазмуни, мақсадидадан келиб чиқиб тренер тоионидан тингловчиларга ёки ўқувчиларга берилиши мумкин.

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси

ФСМУ технологияси

(Ф)- фикрингизни баён этинг.

(С)- фикрингизга баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

(М)- кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг.

(У)- фикрингизгни умумлаштиринг.

Фикрлар хужуми.

Бевосита жамоа бўлиб “фикрлар хужуми” (“мозгавоя атака”) олиб бориш. Бу методдан мақсад мумкин қадар катта микдордаги ғояларни йиғиши, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан холи қилиш,

ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни сенгишдир. Бу метод А.Ф.Осбори томонидан тавсия этилган. Бу методнинг асосий тамойили ва коидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиқсан ғоялар танқидини мутлоқ тақиқлаш, хар қандай луқма ва хазилғ муроидани рафбатлантиришдир. Бу методдан фойдаланишнинг мувоффиқияти кўп жихатдан ўқитувчи – машғулот раҳбарига боғлиқ.. “Фикрлар хужуми” иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

Ялпи “Фикрлар хужуми”. Бу метод Ж.Дональд Филлинс томонидан ишлаб чиқилган. У катта гурухларда (20 дан 20 тагача бўлган) янги ғоялар ишлаб чиқиши самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайди. Барча иштирокчилар кичиккичик 5-6 кишидан иборат гурухларга бўлинади ва хар бир кичик гурух хал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 дақиқа давомида мустақил равишда ўзаро “Фикрлар хужуми” ўтказилади. Шундан сўнг хар бир кичик гурух вакили ўз гурухларда ишлаб чиқилган ғоя ҳақида ахборат берадилар ва ўқитувчи раҳбарлигига жамоа бўлиб унга баҳо берадилар ва улардан энг яхшилари, бетакрорлари танлаб олинадилар.

“Фикрлар шиддатли хужуми” – деструктив берилган баҳо билан диалог. Бу метод Е.А.Александров томонидан таклиф қилинган. Г.Я.Буш томонидан ўзгартирилиб йўлга қўймлган. Диалогнинг моҳияти шундаки, колектив бўлиб ғоялар ишлаб чиқиша иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари фаоллаштирилади ва унга зид ғоялар қўйилади.

Машғулот босқичма-босқич қуидаги таъризда ўтказилади.

1-босқич. Миқдор ва психологик мулокоти жижатидан мқбул кичик гурухларни шакллантириш.

2-босқич. Вазифа, муаммони келиб чиқадиган мақсадларни ифодалаш

3-босқич. Тўғридан –тўғри “Фикрлар хужуми” коидасига асосан хар бир гурухда ғоялар ишлаб чиқиши.

4-босқич. Ғояларни тартибга солиш ва таснифлаш.

5-босқич. Ғояларни деструктивлаш, яъни амалга ошириш имкониятига қараб баҳолаш.

6-босқич. Аввалги босқичларда билдирилган танқидий мулоҳазаларга баҳо бериш.

Юкоридаги педагогик техналогиялардан фойдаланилган холда дарс жараёнида (фанга асосан) турли муаммоларни хал этишга уларнинг келиб чиқиши сабаблари, тузатиш йўлларини топишга, ўқувчиларни эса мустақил

изланишга, фикрлашга, ўз фикрларини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқишига ўргатишда “муаммоли вазият” шаклини қўллаш мумкин.

### **“Ақлий хужум.”**

Ақлий хужум гурухлараро ишларида қўлланиладиган , кўплаб ғояларни ишлаб чиқиши мумкин бўлган методдир. Бу хақиқаттан хам талабаларнинг ўкув жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғояларни баён қилиш чоғида бошкаларни хам қизгин ишга йўллашлари, илхом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рагбатлантирувчи методдир. Ақлий хужум шунинг учун хам фаоллаштиришнинг муҳим усулики , унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гурухнинг барча иштирокчиларни бир хилда ўзига тортиб олади.

Ўқитувчи мавзу ёки саволни ажратиб олиши зарур, кейин эса ўкув фаоллиги 5-10 дақиқа оралиғида вақт чегарасида енгиллаштиради.

Ақлий хужум турли тарзда қўлланилиши мумкин, масалан, қандайдир мавзуни мухокама қилиш учун, янги савол қўйиш ёки исталган қандайдир муаммони хал этиш учун.

## **8. ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

Асосий дарслик ва укув кулланмалар.

### **Асосий адабиётлар:**

1. Добровольский Г.В., Урусевская И.С. География почв. МГУ, “Колос”, 2004. С 460.
2. A. Jones, P. Panagos, The state of soil in Europe. European Union, 2012.
3. Paul Driessen, Wageningen Agricultural University, Lecture Notes on the Major Soils of the World. Rome, 2001.
4. Krasilnikov, P., Carré, F. &Montanarella, L. (eds.) Soil geography and geostatistics Concepts and Applications EUR 23290 EN – 2008
5. James G. Bockheim. Soil Geographyof the USA. USA. 2014

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2016.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.

5. X.Абдуллаев, Т.Абдрахмонов. Дунё тупроқлари, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. Тошкент, “Университет” 1993.

6. Глазовская М.А. Общее почвоведение и география почв. М: 1981. 400с.

1. Тожиев У., Намозов Х. ва б. Ўзбекистон тупроқлари. Бухоро, 2002.

**Интернет сайтлари:**

1. Megadunyo.uz.

2. <http://www.eea.europa.eu/soer/europe/soil>.

3. http://www.eea.europa.eu/soer.

4. [http://ec.europa.eu/environment/soil/index\\_en.htm](http://ec.europa.eu/environment/soil/index_en.htm).

5. WWW ziyonet uz.

**9. ИЛОВАЛАР:**

Фан дастури.....

Ишчи фан дастури.....

Инглиз ва рус тилидаги хорижий ўқув материаллари (электрон шаклда)....

Тақдимотлар ва мултимедия воситалари (электрон шаклда).....

Кўшимча дидактик материаллар.....